

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

44-сон
(908)
2019 йил
4 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

825. «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ–575-сон Қонуни
826. «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ–576-сон Қонуни
827. «Божхона маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 31 октябрдаги ЎРҚ–577-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

828. «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-

- муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ–5863-сон Фармони
829. «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ–4499-сон қарори
830. «Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 октябрдаги ПҚ–4500-сон қарори
831. «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПҚ–4501-сон қарори
832. ««Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ–4502-сон қарори
833. «Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ–4503-сон қарори

Бешинчи бўлим

834. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 14-мх, 95-сон «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2691-2*)
835. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 28 октябрдаги 489-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1534-2*)
836. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 28 октябрдаги 490-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2907-1*)
837. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 28 октябрдаги

491-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2571-1*)

838. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги 106, 2019-59-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3188*)

839. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг 2019 йил 26 сентябрдаги 591-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3189*)

840. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 октябрдаги 494-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни бериш ва уларни кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3190*)

841. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 28 сентябрдаги 24/6-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-17*)

842. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 14 октябрдаги 2019-59-сон «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 2.1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 860-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 26 октябрдан 1 ноябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

825 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 30 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9,

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 октябрда эълон қилинган.

244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **194¹-модда** билан тўлдирилсин:

«194¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний талабларини бажармаслик

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, кўрсатилган муддатда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга) бориш ёки Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларида (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда) ҳозир бўлиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабранувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **195¹-модда** билан тўлдирилсин:

«195¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) ўз хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармасликка омма олдида ҳар қандай шаклда даъватлар қилиш, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларига (ходимларига) оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида била туриб сохта уйдирмаларни тарқатиш, —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жа-

рима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

3) **196-модданинг:**

номи «юзасидан» деган сўздан кейин «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва**» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

диспозицияси «юзасидан» деган сўздан кейин «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва**» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **220-модда биринчи қисмининг диспозициясидаги** «ички ишлар органларидан» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларидан**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **221-модданинг диспозициясидаги** «ички ишлар органларида» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларида**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **222-модданинг диспозициясидаги** «ички ишлар органлари» деган сўзлар «**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «194, 195» рақамлари «194, 194¹, 195, 195¹» рақамлари билан алмаштирилсин;

8) **248¹-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг 61, 185¹ (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ташқари), 194¹, 195¹, 196 (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларига тегишли қисми бўйича) ва 210¹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади»;

9) **284-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсларнинг қўриқланадиган объектларига, бошқа мол-мулкка тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимлари ёки ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликка барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органига, ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки ички ишлар органларига ушлаб келтирилиши мумкин»;

10) **287-модда** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) ушбу Кодекснинг 61, 185¹, 194¹, 195¹, 198-моддаларида, 210¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари томонидан»;

11) **289-модданинг:**

биринчи қисми «божхона органлари» деган сўзлардан кейин «Ўзбе-

кистон Республикаси Миллий гвардияси органлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисми «божхона органларининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637, 640-моддалар; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда) **4-моддаси тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «ички ишлар органлари» деган сўзлар «ички ишлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 166-моддалар, № 8, 471-модда, № 9, 589-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **158-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш бўлинмалари»;

2) **208-модданинг 29-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«29) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмаларининг хизматлари».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–371-сон-

ли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **9-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари»;

олтинчи — ўн иккинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги **12²-модда** билан тўлдирилсин:

«12²-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади; ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ дориларини олиш ва рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) тартибига фуқаролар ҳамда юридик шахслар томонидан риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 591-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модда биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «фуқаровий ва хизмат қуролларининг ҳамда улар ўқ-дориларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **16-модда биринчи қисмининг:**

йигирма еттинчи хатбошисидаги «ўқотар қуролга эга бўлганларнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қирқ учинчи хатбошисидаги «чет давлатларнинг дипломатик, кон-

суллик ва бошқа ваколатхоналарини, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **17-модда биринчи қисмининг:**

ўттиз тўққизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

қирқинчи — қирқ тўртинчи хатбошилари тегишинча **ўттиз тўққизинчи — қирқ учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўттиз тўққизинчи хатбошисидаги «кўриқлаш бўлинмаларида назорат текширувларини ўтказиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январда қабул қилинган ЎРҚ–458-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 3-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда) **17-бандининг иккинчи хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуролли Кучлар таркибига Ўзбекистон Республикаси мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасалари киради».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 октябрь,
ЎРҚ–575-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

826 Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 22 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий принциплари

Илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий принциплари:
илмий ижод ва ахборот эркинлиги;
самарадорлик ва ижодий рақобат;
манфаатдорлик ва рағбатлантириш;
илмий экспертизанинг холислиги;
инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмасликдан иборатдир.

4-модда. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий йўналишлари

Илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий йўналишлари:
илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигига эришиш;
илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва ресурсларни мақсадли йўналтириш;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 октябрда эълон қилинган.

давлат илмий дастурларини ишлаб чиқиш, асослантирилган ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш;

илм-фанга интилиш ва унинг жозибадорлик муҳитини шакллантириш, ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, ёш истеъдод эгаларини тайёрлаб бориш;

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза қилиш;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштиришни оқилона ошириб бориш;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш ҳамда ундан манфаатдорликни ошириш;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг ахборот макони билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборатдир.

2-боб. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасини тартибга солиш

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

илм-фан ва илмий фаолият соҳаси асосий йўналишларининг амалга оширилишини таъминлайди;

илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тасдиқлайди;

илм-фан ва илмий фаолият соҳаси инфратузилмасининг шакллантирилиши ҳамда унинг самарали фаолият юритишини таъминлайди;

давлат илмий дастурларини амалга оширишда мақсадли кўрсаткичларга эришишни баҳолаш тартибини тасдиқлайди;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштириш тартиби ҳамда давлат иштирокидаги жамғармаларни ташкил этиш тартибини белгилайди;

илмий фаолият юритувчи жисмоний шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва рағбатлантиришни таъминлайди;

илмий даражалар ва илмий унвонларни бериш тартибини белгилайди;

ахборот маконида илм-фан ва технологиялар асослари, ютуқларини оммалаштириш, шунингдек илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид тегишли тадбирларни тарғиб этиш бўйича чора-тадбирларни белгилайди.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий йўналишларини амалга оширади;

илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантиради;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, илмий ташкилотлар, олий таълим, ахборот-таҳлил муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари, илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ва уларнинг ижросини назорат қилади, илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар ишлаб чиқишини мувофиқлаштиради;

илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги лойиҳалар танловини ўтказиши ва уларни молиялаштиради;

илмий лойиҳалар бўйича давлат буюртмаларини шакллантиради, давлат рўйхатини юритади, бажарилишини мониторинг қилади ва улар юзасидан ҳисоботлар қабул қилади;

Ноёб илмий объектлар рўйхатини шакллантиради ва тасдиқлайди;

ўзаро манфаатли халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш, илм-фан ва илмий фаолият соҳасига чет эл инвестицияларини жалб қилишга қўмақлашади;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш тизимини мувофиқлаштиради.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўз ваколатлари доирасида:

илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, давлат илмий дастурлари, шунингдек халқаро дастурларни шакллантириш бўйича таклифлар беради;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

илмий фаолият субъектлари учун илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказлари, ноёб илмий объектлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш билан боғлиқ зарур шарт-шароитларни яратади;

илмий ташкилотларнинг илмий салоҳиятини оширади ва илмий даражали кадрлар тайёрлайди;

илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга кўмаклашади ва уларнинг эгаларини рағбатлантиради, шунингдек ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг самарали илмий фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратади;

илмий ташкилотлар ходимларини давлат ва халқаро мукофотларга тақдим этади;

хорижий давлатлар ва мамлакатимиз илм-фани ютуқларини ўрганади, таҳлил қилади, оммалаштиради ҳамда тарғиб қилади, улардан Ўзбекистон Республикаси манфаатлари йўлида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

чет эл фанлар академиялари, илмий ташкилотлари ва жамғармалари билан ҳамкорликни амалга ошириш, халқаро илмий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда қатнашади.

8-модда. Олий таълим тизими муассасаларининг, шунингдек бўйсунувида илмий ташкилотлар бўлган вазирлик, идоралар ҳамда ташкилотларнинг илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Олий таълим тизими муассасалари, шунингдек бўйсунувида илмий ташкилотлар бўлган вазирлик, идоралар ва ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий йўналишларини амалга оширишда қатнашади;

илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифлар киритади;

давлат илмий дастурлари, шунингдек халқаро дастурларни ишлаб чиқишда қатнашади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

ўз бўйсунувидаги тегишли таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда самарали ҳамда рақобатбардош илмий фаолият юритилишини таъминлайди;

тегишли йўналишлар бўйича илмий даражали кадрлар тайёрлашни таъминлайди, илмий фаолият юритувчиларни рағбатлантириб боради;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

ўз бўйсунувидаги илмий ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаб боради;

илмий ишланмаларни тижоратлаштиради ва улар эгаларини рағбатлантиради, шунингдек ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг самарали илмий фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратади;

илм-фан ва технологиялар асослари, ютуқларини оммалаштириш, шунингдек илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид тегишли тадбирларни тарғиб этишда қатнашади.

9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

илм-фан ва илмий фаолият соҳасининг асосий йўналишларини амалга оширишда қатнашади;

илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини шакллантиришда қатнашади;

илмий фаолиятни ривожлантириш ва унинг замонавий инфратузилмасини яратишга кўмаклашади;

илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади;

илмий ишланмаларни яратиш, қўллаш ва оммалаштириш билан боғлиқ тизимли ишларни ташкил этади;

маҳаллий ахборот маконида илм-фан ва технологиялар асосларини, ютуқларини, шунингдек илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид тегишли тадбирларни тарғиб этишни тизимли равишда йўлга қўяди.

10-модда. Фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги иштироки

Фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари илм-фан ва илмий фаолият соҳасида:

илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, давлат илмий дастурларини шакллантириш бўйича таклифлар бериши;

илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар бериши;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши ҳамда уларга кўмаклашиши;

илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид маълумотларни тарқатиши, оммалаштириши ва тарғиб этиши мумкин.

11-модда. Ёшларни илм-фан ва илмий фаолиятга жалб этиш

Ёшларни илм-фан ва илмий фаолиятга жалб этиш:

тегишли давлат дастурларини ишлаб чиқиш;

таълим ташкилотида истеъодларни аниқлаш, танлаш, тарбиялаш бўйича тегишли чора-тадбирлар олиб бориш;

тегишли йўналишлар бўйича ихтисослаштирилган мактаблар, мактаб-интернатлар, махсус синфлар, марказлар ва ўқув курслари ташкил этиш;

таълим жараёнида эгалланган билимларни кундалик турмуш ва касбий фаолиятда самарали қўллаш олишга қаратиш;

таълим олувчилар ўртасида турли танловлар уюштириб бориш ва рафбатлантириш;

чет эл етакчи илмий ташкилотлари ва таълим муассасаларига магистратура

тура ва докторантура дастурларини ўташ, малака ошириш, тажриба ортиришга юбориш орқали ва бошқа шаклларда амалга оширилади.

Ёш олимларнинг илмий ташкилотлар ва таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлардаги илмий уюшмалари давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

Илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларида ёш олимлар ва талабаларнинг илмий фаолият юритиши учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши лозим.

3-боб. Илмий фаолият ва унинг субъектлари

12-модда. Илмий фаолият

Илмий фаолият объектлар, ходиса (жараёнлар)нинг хусусиятлари, ўзига хосликлари ва қонуниятларини аниқлаш мақсадида борлиқни ўрганиш ва олинган билимларни амалиётда қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланиб, фундаментал ва амалий тадқиқотлардан иборатдир.

Фундаментал тадқиқотлар табиат, жамият ва инсоннинг тузилиши, шаклланиши ва ривожланишига оид асосий қонуниятлар ҳақида янги билимлар олиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, шунингдек муайян фаолият натижасида яратилган объектларни ўрганишга йўналтирилган назарий ва (ёки) тажрибага йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Амалий тадқиқотлар амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни ҳал этиш учун асосан янги билимлар ва фундаментал тадқиқотлар натижаларини қўллашга йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

13-модда. Илмий фаолият субъектлари

Илмий фаолият юритувчи жисмоний ва юридик шахслар илмий фаолият субъектлари ҳисобланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидаги илмий фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат илмий ташкилотлари, шунингдек давлат таълим муассасалари таркибидаги илмий ва илмий-техникавий тузилмаларда фаолият юритувчи ходимлар лавозимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

14-модда. Илмий фаолият юритувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Илмий фаолият юритувчи шахслар:

илмий фаолият тури, йўналиши ва воситаларини танлаш;

илмий фаолиятни яқка тартибда ёки жамоавий асосда олиб бориш;

инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган илмий фаолиятда қатнашишни рад қилиш;

бажарган ишининг даражаси ва сифатига кўра моддий рағбат олиш, шунингдек илмий фаолияти натижаларини амалиётга татбиқ этишдан мукофот ёки даромад олиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилган илмий лойиҳалар бўйича танловларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиш;

ўзи томонидан ёки ҳаммуаллифликда бажарилган илмий ишланмалар натижаларидан, агар улар давлат, хизмат ва тижоратга оид ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ муҳофаза қилинадиган бошқа сирлардан таркиб топмаган бўлса, эркин фойдаланиш, уларни тарқатиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

илм-фан соҳасида тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

педагогик фаолият билан шуғулланиш, маслаҳатчи ва эксперт бўлиш; агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, илмий фаолият натижаларини илмий маъруза, мақола, монография ва диссертация ҳимояси кўринишида ҳамда бошқа шаклларда тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Илмий фаолият юритувчи шахслар:

инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф табиий муҳитга зарар етказмасликка; кўчирмачиликка йўл қўймасликка, ўзгаларнинг илмий ишланмаларини ўзлаштирмасликка ва ёлғон маълумотларга асосланмасликка;

интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва илмий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга мажбурдир.

15-модда. Илмий фаолият юритувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари

Илмий фаолият юритувчи шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга йиллик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили, шунингдек ижодий таътил бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат илмий ташкилотларида илмий фаолият юритувчи шахсларга қирқ саккиз иш кунидан иборат йиллик ҳақ тўланадиган ҳамда моддий ёрдамни кўзда тутадиган меҳнат таътили берилади.

Давлат илмий ташкилотларида илмий ходимларнинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва лабораторияларида, шу жумладан чет элда амалиёт ўташлари ёки малака оширишлари учун бир йилгача бўлган муддатга таътил берилади.

16-модда. Илмий ташкилот

Асосий фаолият тури илмий фаолият юритишга йўналтирилган юридик шахс илмий ташкилот ҳисобланади.

Илмий ташкилотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар, илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказлари ва бошқа ташкилотларни, шунингдек ноёб илмий объектларни ташкил этиш ҳуқуқига эгадир.

17-модда. Олий таълим муассасаларида илмий фаолият юритиш

Олий таълим муассасаларида таълим жараёни билан бирга илмий фаолият ҳам юритилади.

Олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари тегишли йўналишларда илмий фаолият билан шуғулланишлари шарт.

Олий таълим муассасалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар, илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказлари ва бошқа ташкилотларни таъсис этиш, шунингдек ноёб илмий объектларни ташкил этиш ҳуқуқига эгадир.

Олий таълим муассасалари илмий фаолиятга миллий ва халқаро даражадаги етук олимлар, илмий ташкилотлар вакилларини жалб этиш, етакчи миллий ва хорижий илмий ташкилотлар ҳамда таълим муассасаларида амалиёт ўташни ташкил қилиш ҳуқуқига эгадир.

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини оширишга олий таълим муассасалари, бўйсунувида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъулдир.

Олий таълим муассасасининг илмий фаолиятини баҳолашда унинг илмий салоҳияти, шу жумладан илмий ишланмаларнинг натижадорлиги, илмий мактабларнинг яратилганлиги, илмий даражали педагог кадрлар салоҳияти, шунингдек унинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси инобатга олинади.

18-модда. Илмий фаолият соҳасидаги бошқа ташкилотлар

Илмий фаолият асосий фаолият турига кирмайдиган ташкилотлар илмий фаолият билан шуғулланишга ҳамда таъсис ҳужжатлари (низомлари)да белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида ўз таркибида илмий тузилмаларни ташкил этишга ҳақлидир.

4-боб. Илмий фаолиятни ташкил этиш ва баҳолаш**19-модда. Илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**

Илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ҳамда самарадорлигига эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги тармоқларни яратиш, аҳоли турмуш даражаси, илм-фан ва таълим тизимларини сифат жиҳатидан юксалтириб бориш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади.

20-модда. Давлат илмий дастурлари

Давлат илмий дастурлари илмий фаолиятга оид давлат дастурлари, илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурлари ва илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни ўз ичига олади.

Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ишлаб чиқилади ва давлат буюртмаси асосида бажариладиган илмий лойиҳалардан иборат бўлади.

Илмий лойиҳаларни илмий фаолиятга оид давлат дастурларига кириштириш танловлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатларига кўра амалга оширилади.

Илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурлари долзарб муаммоларни ҳал этиш учун ишлаб чиқилади ва аниқ маҳсулотга давлат буюртмаси бериш асосида бажариладиган илмий лойиҳалардан иборат бўлади.

Илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар тегишли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва янги илмий ишланмаларни жорий этишга қаратилган илмий лойиҳалардан иборат бўлади. Улар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Давлат илмий дастурлари лойиҳаларининг мавзулари, йўналишлари ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ахборот мажбурий тартибда оммавий ахборот воситалари ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

21-модда. Илм-фан ва таълимнинг узвий боғлиқлиги

Илм-фан ва таълимнинг узвий боғлиқлиги:

таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш;
таълим олувчиларда илмий тафаккурни ривожлантириш;
педагог кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириб бориш,
«устоз — шогирд» мактаб ва анъаналарини мустаҳкамлаш, илмий изланувчиларнинг иқтидорли келажак авлодини шакллантириш;

илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб бориш орқали таъминланади.

22-модда. Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлиги

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлиги:

инновацион маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ҳамда қўллаш учун қулай муҳитни шакллантириш;

инновацияларни жорий этишдан манфаатдорликнинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштириб бориш;

тадбиркорлик субъектлари ҳузурида тегишли йўналишларда илмий ташкилотларнинг фаолиятини йўлга қўйиш, илмий фаолият юритаётган хорижий ҳамкорлар билан изчил ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

ишлаб чиқариш тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларидан инновацион маҳсулотлар ва хизматларга буюртмалар олиш;

инновацион инфратузилмани (технология парклари, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур жамғармалари, бизнес-инкубаторлар ва бошқаларни) ривожлантириш;
хусусий илмий ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш;

инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
солиқ имтиёзларини қўллаш орқали таъминланади.

23-модда. Илмий даражали кадрларни тайёрлаш

Илмий даражали кадрларни тайёрлаш таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик асосида амалга оширилади.

Таянч докторантура ва докторантура доирасидаги илмий фаолият ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Мустақил изланувчилик доирасидаги илмий фаолият ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб борилади.

24-модда. Илмий даражалар ва илмий унвонлар

Тегишли фан йўналишлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)), фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражаларини, профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чет давлатларда олинган илмий даражалар ва илмий унвонларнинг Ўзбекистон Республикасида тан олиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

25-модда. Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш

Илмий даража олиш учун тайёрланган диссертация илмий ташкилот ва таълим муассасаси қошида тегишли ихтисослик бўйича тузилган илмий даражалар берувчи илмий кенгашда ҳимоя қилинади.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи мазкур кенгашни тузган, илмий ташкилот ва таълим муассасасида фаолият юритаётган олимлардан иборат бўлиши шарт.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш жамоатчилик асосида фаолият олиб боради ва диссертациянинг танланган ихтисосликка мослиги, экспертизанинг сифати ва ҳолислиги, қабул қилинган қарорнинг асослантилганлиги учун масъул ҳисобланади.

26-модда. Илмий экспертиза

Илмий экспертиза илмий лойиҳа бўйича асослантилган қарор қабул қилиш мақсадида уни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва хулоса тайёрлашга қаратилган фаолиятдир.

Илмий экспертиза:

катнашчиларининг мустақиллиги ва ҳуқуқий ҳимояланганлиги;

илмий лойиҳа илмий ёндашувда, ҳолис, тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганилиши;

экспертиза натижаларининг асослантилганлиги;

экспертларнинг чуқур билимга эгаллиги ва юксак даражада ўз ишининг устасилиги;

қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат, хизмат ва тижорат сирларига риоя қилган ҳолда экспертиза натижаларининг очиқлиги;

жамоат, техника, экология хавфсизлиги, миллий ва халқаро стандартларга риоя қилиш тамойилларига таянган ҳолда амалга оширилади.

Илмий экспертизани амалга ошириш жараёнида унинг натижаларидан шахсан манфаатдор бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйилмайди.

Илмий экспертиза жараёнида қатнашган ва қабул қилинган хулоса билан келишмаган эксперт ўзининг асослантилган фикрини мазкур хулосага қўшиб қўйиши мумкин.

Илмий экспертизани ўтказишга чет эл мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Давлат буюртмаси асосида бажариладиган илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги илмий лойиҳалар давлат илмий экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Илмий экспертиза ушбу масала бўйича ваколати бор давлат ташкилотининг қарорига кўра ўтказилади.

27-модда. Давлат буюртмаси асосида бажариладиган илмий лойиҳалар мониторинги

Давлат буюртмаси асосида бажариладиган илмий лойиҳалар мониторинги уларнинг тасдиқланган режага кўра бажарилишини, молиявий маблағларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини, белгиланган муддатларда ҳисоботлар тақдим этилишини ва олинган натижаларнинг самарадорлигини баҳолашни ўз ичига олади.

Давлат буюртмаси асосида бажарилаётган илмий лойиҳалар мониторинги натижалари хулосаларидан илмий йўналишларнинг истиқболини белгилаш, илмий лойиҳаларни молиялаштиришни давом эттириш ёки тўхтатиш бўйича қарорлар қабул қилишда фойдаланилади.

Давлат буюртмаси асосида бажарилаётган илмий лойиҳаларнинг натижалари мониторинги ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

Давлат буюртмаси асосида бажариладиган илмий лойиҳалар бўйича ҳисоботлар ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

28-модда. Илмий ишланмаларни баҳолаш

Илмий ишланмаларни баҳолаш илмий фаолият натижалари қийматини аниқлашга йўналтирилган фаолиятдир.

Илмий ишланмаларни баҳолаш баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахс томонидан амалга оширилади.

Баҳоланган илмий ишланмалардан:

ташкilotларнинг устав капиталига улуш сифатида қўшиш ва роялти миқдорини аниқлаш;

лицензия келишувларини тузиш;

сарфланган маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин.

Илмий ишланмаларни баҳолаш натижалари расмийлаштирилади ва келгусида фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

29-модда. Илмий фаолиятнинг ахборот таъминоти

Илмий фаолият субъектлари, давлат, хизмат, тижорат ёки қонун билан қўриқланидиган бошқа маълумотларни ўз ичига олган ахборотдан ташқари, илмий, статистик ва бошқа ахборотни эркин тарзда излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгадир.

Илмий, статистик ва бошқа ахборотлар, шу жумладан миллий ва халқаро ахборот жамғармаларида, тизимларида, маълумотлар банки ва базаларида жойлаштирилган маълумотлар билан танишиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

Ваколатли давлат органи ва бошқа давлат бошқаруви органлари ўз бўйсунувидаги илмий ташкилотларни илмий ахборот билан таъминлайди, илмий ҳисоботлар ва тугалланган илмий ишлар маълумотлар базаларини юритади, шунингдек илмий фаолият натижаларини илмий ахборот манбаларида чоп этиш ва улардан амалий фойдаланишни қўллаб-қувватлайди.

Давлат бошқаруви органлари илмий ахборотни йиғиш, тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва ундан фойдаланишни амалга оширувчи илмий ташкилотлар, ахборот-кутубхона марказлари фаолиятига ёрдам кўрсатади, илмий маҳсулотлар, шу жумладан илмий журналлар, китоблар ва бошқа босма нашрларни чоп этиш ҳамда тарқатиш, миллий ва халқаро илмий нашрлар, ахборот жамғармалари, тизимлари, маълумотлар банки ва базаларига киришга қўмаклашади.

30-модда. Илм-фан ва илмий фаолиятнинг миллий ахборот макони билан узвий боғлиқлиги

Илм-фан ва илмий фаолиятнинг миллий ахборот макони билан узвий боғлиқлиги:

илмий-ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай ахборот ресурсларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эркин фойдаланиш;

илм-фан ва технологиялар асослари, ютуқларини оммалаштириш, шунингдек илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид тегишли тадбирларни тарғиб этиш чора-тадбирларини белгилаш;

ихтисослаштирилган илмий нашрлар, оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар тузиш ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва давлат иштирокидаги жамғармалар ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган нашрлар, оммавий ахборот воситаларида илм-фан ва технологиялар асослари, ютуқлари, илм-фан ва илмий фаолият соҳасига оид тадбирлар ҳақида ахборотни бепул тарқатиш тартибини белгилаш;

глобал ахборот маконининг тегишли ресурсларидан фойдаланишнинг

ҳуқуқий ва иқтисодий чораларини кўриш ҳамда бошқа усуллар орқали таъминланади.

31-модда. Илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш

Илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш фойда олиш мақсадида илмий фаолият натижаларини фуқаролик муомаласига киритиш жараёнидир.

Илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш:

илмий фаолият натижаларини қўллаган ҳолда яратилган товарларни (базарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни) реализация қилиш ёки ушбу натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

таъсисчиси ёки таъсисчиларидан бири устав жамғармасига улуш сифатида интеллектуал мулк объекти ёки тайёр технологияни киритган ташкилот (ёки ихтисослаштирилган аффилиланган ташкилот) бўлган тижорат ташкилотларини ташкил этиш;

интеллектуал мулк объектларига бўлган мулкый ҳуқуқларни учинчи шахсларга ўтказиш ва мазкур объектлардан фойдаланиш ҳуқуқини роялти тўловларига асосланган лицензия шартномаларини тузиш орқали, шу жумладан уларни кейинчалик ушбу ҳуқуқлар олувчиси томонидан тижоратлаштириш шарти билан бериш ва бошқа усуллар орқали амалга оширилади.

32-модда. Ноёб илмий объект

Илмий фаолиятни самарали йўлга қўйиш учун алоҳида аҳамиятга эга, мамлакатда ягона бўлган, илмий изланишларда фойдаланилаётган, тегишли соҳаларда мукамал изланишлар олиб бориш имконини берадиган илмий асбоб-ускуналар, нодир тўпламлар ва бошқа камёб объектлар ноёб илмий объект ҳисобланади.

Ўз юритувида ноёб илмий объект бўлган ташкилот раҳбари уни ишчи ҳолатда сақлаш, унга зарур хизматларни кўрсатиш, ундан унумли фойдаланиш, ажратилган молиявий маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланиши, шунингдек ноёб илмий объектлар бўйича илмий ва молиявий ҳисоботларнинг ваколатли давлат органига топширилиши учун жавобгардир.

33-модда. Илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш маркази

Илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш маркази илмий ташкилот ёки таълим муассасаси қошида фаолият юритувчи, ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори бўлган илмий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва улардан кўпчилик фойдаланиши мумкин бўлган, тегишли малакали мутахассисларга эга тузилмадир.

5-боб. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштириш

34-модда. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштириш йўналишлари

Илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштириш:

базавий молиялаштириш;
илмий лойиҳаларни молиялаштириш;
стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура ва докторантура доирасидаги илмий изланишларни молиялаштириш;
ноёб илмий объектларни сақлашни молиялаштириш;
илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказларини молиялаштириш йўналишларида амалга оширилади.

35-модда. Базавий молиялаштириш

Базавий молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат илмий ташкилотларига нисбатан қўлланилади. Бундай ташкилотлар рўйхати ваколатли давлат органининг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат илмий ташкилотларининг илмий ходимлари меҳнатига тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

36-модда. Илмий лойиҳаларни молиялаштириш

Илмий лойиҳаларни молиялаштириш:
Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети;
маҳаллий бюджет;
махсус ва мақсадли жамғармалар;
хўжалик юритувчи субъектлар;
иш берувчи;
халқаро ташкилотлар ва хомийлар;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари, илмий фаолиятга оид давлат мақсадли дастурлари доирасида бажариладиган илмий лойиҳаларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурлар доирасида бажариладиган лойиҳаларни молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

37-модда. Стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура ва докторантура доирасидаги илмий изланишларни молиялаштириш

Стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура ва докторантура доирасидаги илмий изланишларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

38-модда. Ноёб илмий объектларни сақлашни молиялаштириш

Ноёб илмий объектларни сақлашни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади ҳамда жорий таъминлаш, шу жумладан бинолар, асбоб-ускуналарни ишчи ҳолатда сақлаш, ашёлар билан таъминлаш, маъмурий ва ёрдамчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади.

39-модда. Илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказларини молиялаштириш

Илмий асбоб-ускуналардан жамоавий фойдаланиш марказларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

40-модда. Илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари

Юридик ва жисмоний шахслар ташаббуси билан илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тузилиши мумкин.

Жамғармаларнинг таъсис ҳужжатларида маблағларни шакллантириш, йўналтириш, тақсимлаш, илмий изланишларнинг (мавзуларнинг) лойиҳалари ва натижаларини баҳолаш, ҳисобот бериш тартиби аниқ кўрсатилган бўлиши лозим.

Жамғармалар ўз фаолияти ҳақида йиллик ҳисоботни эълон қилиб бориши шарт.

6-боб. Яқунловчи қоидалар**41-модда. Илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорлик**

Ўзбекистон Республикасининг илм-фан ва илмий фаолият соҳасида халқаро ҳамкорлиги миллий илмий мактабларнинг жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлиши, дунё илм-фани ва технологиялари илғор ютуқларидан миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини юксалтиришда фойдаланиш, чет эл инвестициялари, чет эллик етук илмий ва технология марказлари, олимлар, мутахассисларни мамлакатга жалб этиш, илмий фаолият юритувчи жисмоний шахсларнинг хорижда тажриба ва малака орттиришларини таъминлаш мақсадларида амалга оширилади.

Давлат Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари, шунингдек халқаро илмий дастурлар ва лойиҳалар доирасидаги илмий фаолиятнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини таъминлайди.

Илмий фаолият субъектлари халқаро ва хорижий илмий ҳамда технология тузилмаларига аъзо бўлиш, халқаро илмий дастурлар ва лойиҳаларда қатнашиш, чекловлар бўлмаган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ташқарисида хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан битимлар тузиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий юридик ва жисмоний шахслар иштирокидаги илмий ташкилотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

42-модда. Низоларни ҳал этиш

Илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

43-модда. Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

44-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ваколатли давлат органи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

45-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

46-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.
Ушбу Қонун 15-моддасининг иккинчи қисми 2020 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 октябрь,
ЎРҚ-576-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

827 Божхона маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 19 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-модда-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

лар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **227⁴-модда иккинчи қисмининг санкцияси** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«товарлар ва транспорт воситалари мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **227⁸-модда:**

биринчи қисмининг диспозициясидаги «ва уларни тасарруф этиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситаларини тасарруф этиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **227⁹-модда:**

номидаги «Қийёслаш воситаларини» деган сўзлар **«Божхона идентификациялаш воситаларини»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Божхона идентификациялаш воситаларини ўзгартириш, йўқ қилиш, шикастлаш ёки йўқотиш, шунингдек бојхона назорати остида турган транспорт воситаларининг юкхонасини, юкланган товарларни қонунга хилоф равишда очиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмининг санкцияси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **227¹⁰-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такоран содир этиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **227¹⁴-модда:**

учинчи қисмининг санкциясидаги «фуқароларга товарлар мусо-

дара қилиниб» деган сўзлар «товарлар мусодара қилиниб, фуқароларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг санкциясидаги «фуқароларга товарлар мусодара қилиниб» деган сўзлар «товарлар мусодара қилиниб, фуқароларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 227¹⁶-модда:

биринчи қисмининг диспозициясидаги «жиноят аломатлари бўлмаган тақдирда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Илгари олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини олиб чиқмаганлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин ўттиз кун ичида уларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқмаслик, агар бундай олиб чиқиш шарт бўлса, —

товарларни ва транспорт воситаларини мусодара қилишга сабаб бўлади»;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмининг диспозициясидаги «жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи қисмининг диспозициясидаги «учинчи» деган сўз «тўртинчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) 227¹⁸-модда:

биринчи қисмининг диспозициясидаги «ва уларни тасарруф этиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Муайян божхона режимига жойлаштирилган товарлар ва транспорт воситаларини ушбу божхона режими талабларига мувофиқ бўлмаган тарзда тасарруф этиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

8) 227¹⁹-модда:

биринчи қисмининг:

диспозициясидаги «агар жиноят аломатлари бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

санкциясидаги «фуқароларга товарларни мусодара қилиб» деган сўзлар «товарлар мусодара қилиниб, фуқароларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «фуқароларга товарлар мусодара қилиниб» деган сўзлар «товарлар мусодара қилиниб, фуқароларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 227²⁰-модда:

биринчи қисмининг:

диспозициясидаги «агар жиноят аломатлари бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

санкциясидаги «фуқароларга» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, — товарларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **227²¹-модда:**

биринчи қисмининг:

диспозициясидаги «агар жиноят аломатлари бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

санкциясидаги «фуқароларга товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб» деган сўзлар «товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

диспозициясидаги «агар жиноят аломатлари бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

санкциясидаги «фуқароларга товарларни мусодара қилиб» деган сўзлар «товарларни мусодара қилиб, фуқароларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг:

диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хужжатлардан ёки божхона идентификациялаш воситаларидан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, бундан ушбу Кодекснинг 227²²-моддасида ва 227²⁵-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

санкциясидаги «фуқароларга товарларни мусодара қилиб» деган сўзлар «товарларни мусодара қилиб, фуқароларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **227²²-модда биринчи қисмининг:**

диспозициясидаги «агар жиноят аломатлари бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

санкциясидаги «фуқароларга товарларни мусодара қилиб» деган сўзлар «товарларни мусодара қилиб, фуқароларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **227²³-модда биринчи қисмининг:**

диспозициясидаги «қиёслаш воситаларидан» деган сўзлар «божхона идентификациялаш воситаларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

санкциясидаги «фуқароларга товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб» деган сўзлар «товарлар ва транспорт воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **227²⁵-модда:**

биринчи қисмининг диспозициясидаги «агар жиноят аломатлари бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмининг диспозициясидаги «агар жиноят аломатлари бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **227²⁶-модданинг диспозициясидаги** «агар жиноят аломатлари бўлмаса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **271-модданинг 11-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) агар ушбу Кодекс 164-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 165-моддасининг биринчи қисмида, 166-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 167-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 168-моддасида, 171-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 172, 173-моддаларида, 174-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 174¹-моддасининг биринчи — саккизинчи қисмларида, 175-моддасининг биринчи ва олтинчи қисмларида, 175¹-моддасининг биринчи қисмида, 175³, 175⁴-моддаларида, 175⁵-моддасининг биринчи қисмида, 176¹ — 176⁴-моддаларида, 177-моддасининг биринчи қисмида, 177¹-моддасининг биринчи қисмида, 177²-моддасининг биринчи қисмида, 178-моддасининг биринчи, учинчи — саккизинчи қисмларида, 178¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 179²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 179⁴-моддасининг биринчи қисмида, 179⁵-моддасида, 215-моддасининг биринчи қисмида, 215¹-моддасининг биринчи қисмида, 227⁸-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларида, 227¹⁴-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 227¹⁵-моддасининг биринчи қисмида, 227¹⁶-моддасининг биринчи ва тўртинчи қисмларида, 227¹⁸-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 227¹⁹-моддасининг биринчи қисмида, 227²¹-моддасида, 227²²-моддасининг биринчи қисмида, 227²³-моддасининг биринчи қисмида, 227²⁴, 227²⁵ ва 227²⁶-моддаларида, 227²⁷-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар йўл қўйилган бузилишларни ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, бундан фуқароларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига зарар етказилган ҳоллар мустасно»;

16) **287-модда биринчи қисмининг 6-банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) ушбу Кодекснинг 90¹, 184², 184³, 185¹, 189, 189¹, 198, 227, 227¹ — 227²⁷-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — божхона органлари ходимлари томонидан»;

17) **291-модда биринчи қисмининг «г» кичик банди** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) ушбу Кодекснинг 90¹, 198, 227 — 227²⁷-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан»;

18) **294-модданинг учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун ушбу Кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шarti би-

лан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирок этиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда иштирок этишдан бўйин товлаган тақдирда, у маъмурий суднинг ажримига биноан ички ишлар органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни ёки бошқа қимматликларни олиб ўтиш билан боғлиқ бўлиб, мусодара қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг турган жойини аниқлаш имкони бўлмаса, бундай шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 октябрь,
ЎРҚ–577-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

828 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида*

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, бу борада ўтказилган таҳлил натижалари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат функцияларини амалга оширишда комплекс ёндашув ва стратегик режалаштиришнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, қўйилган вазифаларни самарали бажариш учун табиатни муҳофаза қилиш органининг ваколатлари етарли эмаслигидан далолат беради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

а) 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин ва унда қўйидаги чора-тадбирлар назарда тутилсин:

атроф-муҳит объектларини (атмосфера хавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилма-хиллик, қўриқланадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш; экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

қўриқланадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш;

заҳарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминлаш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 октябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг экологик хавфсиз тизимини такомиллаштириш;

аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш;

б) 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини 2019 — 2021 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган «Йўл хариталари» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси):

2021 йил 1 декабр гача бўлган муддатда «Йўл харитаси»ни амалга ошириш якунларини пухта ўрганиш асосида кейинги даврга мўлжалланган «Йўл харитаси» лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини таъминласин;

«Йўл хариталари» амалга оширилиши бўйича таъсирчан мониторинг юритсин.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — транспорт вазири А.Ж. Раматов зиммасига — Концепция ва «Йўл харитаси»ни амалга ошириш доирасида масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Қўчқоров зиммасига — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

4. Давлат экология қўмитаси, Ўзбекистон Экологик партияси ва жамоатчиликнинг давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий (кейинги ўринларда — мораторий) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

а) мораторий 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабр гача амал қилади;

б) мораторий амал қилиш даврида ваколатли давлат органларига давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига рухсатнома бериш ман этилади, ушбу бандда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

в) мораторий:

табiiй омиллар ёки зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари таъсирида зарарланган, қуриб бораётган ёки қуриб қолган, шунингдек, фуқаро-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф туғдирувчи дарахтлар ва буталарни санитар кесиш ва қирқишга;

ёғоч ва мевалар олиш учун ўстирилаётган дарахтлар ҳамда буталарни (терақ ва тез ўсувчи бошқа навлар, тут плантациялари, мевали дарахтлар ва буталар) кесишга;

плантацияларда ўстирилаётган ва/ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки ҳисобланган дарахтлар ҳамда буталарни кесишга жорий этилмайди.

Вазирлик ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари объектларни қуриш ва қуришни лойиҳалаштириш учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш босқичида, шунингдек, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини (электр, газ ва сув таъминоти, канализация, темир йўл ҳамда автомобиль йўллари ва бошқалар) барпо этишда, шу жумладан дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказиш амалиётини қўллаш орқали уларнинг сақлаб қолинишини қатъий таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси дарахтлар ва буталарни ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича, шу жумладан дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш, уларга зарар етказиш ёки йўқ қилиш учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни икки ҳафта муддатда тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Давлат экология қўмитаси ва «Хунарманд» уюшмаси билан биргаликда халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хунармандларни ёғоч, шу жумладан дарахтларнинг қимматбаҳо навларидан олинган ёғоч билан таъминлаш бўйича бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Давлат экология қўмитаси 2020 йил 1 ноябргача бўлган муддатда дарахтлар ва буталарни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда, мораторийнинг амал қилишини узайтириш мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклиф киритсин.

6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши Давлат экология қўмитаси билан биргаликда ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комиссиялари томонидан яшил дов-дарахтларни санитар қирқиш ва кесишда, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва чиқиндиларини утилизация қилиш, шу жумладан ёғочлардан тижорат мақсадида фойдаланишда экология талабларига риоя этилиши юзасидан назорат амалга оширилишини таъминласин.

7. Қўйидагилар:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ўзбекистон Экологик партияси билан биргаликда ёшларда атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантириш, табиатни сақлаш, ҳаво, сув ва тупроқ ифлос-

ланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зиён етказилишига йўл қўймасликка қаратилган экологик акцияларни ташкил этиш;

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш республика марказининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан йилига камида бир марта ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг бошлиқлари ҳар йили ҳудудда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳолати тўғрисида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига ҳисобот тақдим этади;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларининг бошлиқлари ҳар йили туманда (шаҳарда) атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳолати тўғрисида тегишли равишда халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

9. 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Давлат экология қўмитасининг давлат инспекторлари қўйидаги ҳолатлар аниқланганда тезкор назорат тадбирларини назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган билан олдиндан келишмасдан, ўтказилган текширув ҳақида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали текширув бошланган пайдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида ваколатли органни мажбурий равишда хабардор қилган ҳолда амалга оширади:

ёнувчи моддалар ва қурилиш материалларини бир жойга тўплаш ёки очиқ оловда ёқишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя этмаслик;

далалар ва аҳоли пунктларида махсус техник воситаларни қўлламадан битумни эритиш, анғизни, тўкилган барглари ва дарахт шохлари ёки бошқа ўсимлик қолдиқларини ёқиш;

оқова сувларни жой рельефига ёки очиқ ҳавзаларга, шунингдек, коммунал канализация тизимига нормадан ортиқча ёки рухсатсиз оқишиш;

табiiй сув объектларидан сувдан махсус фойдаланиш ёки сув истеъмолига рухсатномасиз сув олиш;

дарахтларни қонунга ҳилоф равишда кесиш, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш ёки йўқ қилиш, ёввойи ҳайвонларни (шу жумадан балиқни) овлаш ёки қўлга киритиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик;

дарёлар, сойлар, кичик дарё ва қўлларнинг ўзанлари ва сувни муҳофаза қилиш зоналарини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик.

10. Қуйидагилар:

2020 йил 1 январдан бошлаб «Евро-4»дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш;

2022 йил 1 январдан бошлаб «Евро-3»дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини, 2023 йил 1 январдан бошлаб эса «Евро-4»дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини «вақтинча олиб кириш» ва «эркин муомала (импорт) учун чиқариш» божхона режимига жойлаштириш;

2022 йил 1 январдан бошлаб захарлилик даражаси «Евро-4» экологик тоифа талабларига мос келмайдиган газ, бензин ва дизел двигателлари билан жиҳозланган «М» ва «N» тоифаларидаги филдиракли транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни сотиш мақсадида «вақтинча олиб кириш» ва «эркин муомала (импорт) учун чиқариш» божхона режимига жойлаштириш ман этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган «М» ва «N» тоифалардаги филдиракли янги транспорт воситаларининг экологик тоифа талабларига мувофиқлигини экологик сертификатлаш тартибини икки ой муддатда тасдиқласин.

11. Давлат экология қўмитасининг ёввойи ҳайвонларни овлашга ва ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатномалар бериш бўйича ўз ваколатларини Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларига бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

12. Давлат экология қўмитаси:

а) уч ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

давлат экологик экспертизаси ўтказилгунга қадар, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб (юқори ва ўртача хавф-хатар) фаолиятнинг мўлжалланаётган турлари бўйича атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш лойиҳаларининг мажбурий жамоат муҳокамалари ва эшитишларини ўтказиш тартибини;

атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб (юқори ва ўртача хавф-хатар) фаолият турлари билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларни тозалаш иншоотлари билан таъминланганлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни мажбурий ўрнатиш чоратадбирлари амалга оширилганлиги юзасидан хатловдан ўтказиш тўғрисидаги таклифларни;

б) филдиракли транспорт воситаларини ишлаб чиқаришда «Евро-4»дан паст бўлмаган талабларни бажариш бўйича филдиракли транспорт воситаларини экспорт қилувчи давлатларнинг қонун ҳужжатларини идентификациялаш ёки мурожаатчилар томонидан тақдим этилган, мазкур филдиракли транспорт воситаларининг захарли моддалар чиқариш даражаси бўйича «Евро-4»дан паст бўлмаган экологик тоифа талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган, газ, бензин ва дизель двигателлари билан жиҳозланган «М»

ва «N» тоифалардаги янги филдиракли транспорт воситалари учун экологик сертификатлар бериш ташкил этилишини таъминласин;

«Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзавтосаноат» АЖ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар Давлат экология қўмитаси ҳузуридаги «Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази» ДУК негизида филдиракли транспорт воситаларининг экологик тоифасини аниқлаш бўйича замонавий лаборатория комплексини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

в) аҳолининг экологик маданиятини ошириш, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда кенг қўламли тарғибот фаолиятини ташкил этиш ишларини кучайтирсин;

г) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, жумладан қўйидагиларни назарда тутувчи «Чиқиндилар тўғрисида» янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

бешта хавф-хатар тоифаси тизими ўрнига саноат тармоқлари ва/ёки кимё-физик параметрлар асосида чиқиндиларни таснифлаш тизимини жорий этиш;

ишлаб чиқаришда чиқитсиз ва кам чиқитли технологияларни, шунингдек, кончилик ва қайта ишлаш корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш;

саноат объектларида хавfli чиқиндиларни экологик хавфсиз сақлашни ташкил этишни таъминлаш;

ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган ва таркибида хавfli моддалар мавжуд бўлган товарларни (симобли термометрлар, батарейкалар, таркибида симоб мавжуд лампалар ва бошқалар) йиғиш, фойдаланиш ва/ёки зарарсизлантириш тизимини ташкил этиш;

тиббий чиқиндиларини йиғиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва қўмиб ташлаш тизимини ташкил этиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин:

Давлат экология қўмитаси давлат инспекторларининг текшириш ўтказишига тўсқинлик қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳудудлари ва иншоотларини кўздан кечиришга қўймаслик ёхуд улар томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришга бошқача тарзда тўсқинлик қилганлик, шунингдек, жисмоний ёки юридик шахсларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажармаганлиги учун жавобгарликни кучайтириш;

экологик экспертиза органларини қайта ташкил этиш ва оптималлаштириш, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг IV тоифасига мансуб (махаллий таъсир) фаолият турлари бўйича атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш материалларини соддалаштирилган шаклда тақдим этиш, ҳужжатларни топшириш ва қабул қилишнинг электрон тизимини жорий этиш, атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган фаолият турлари рўйхатини қайта кўриб чиқиш.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармондан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш мақсадида Давлат экология қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида назорат бўйича таҳлил лабораториялари ва инспекцияларни биттадан махсус автотранспорт билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 184 та автотранспорт воситаларини сақлаш учун қўшимча лимит ажратсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, Концепция ва «Йўл харитаси» амалга оширилишини ёритишга оид мақолалар ва мавзуга оид телекўрсатувларни ташкил этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатига 3-илова* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Давлат экология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 октябрь,
ПФ–5863-сон

* 3-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**829 Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда сув ресурсларидан фойдаланиш механизмларини тубдан ислоҳ қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларида сув тежовчи технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари 2019 йилнинг ўзида қўшимча 33,2 минг гектарда сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилишини таъминлаш имконини берди, бу эса шу каби технологиялар қўлланилаётган ерлар умумий майдонининг 44 фоизини ташкил этди.

Бироқ, сув тежовчи суғориш технологиялари қўлланилаётган умумий майдон атиги 75 минг гектарни ёки умумий суғориладиган ер майдонларининг 1,7 фоизини ташкил этаётганлиги қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни кенгайтиришга ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада фаоллаштириш заруратини тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишни рағбатлантириш механизмларини янада кенгайтириш ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерлари ҳосилдорлиги даражасини яхшилаш мақсадида:

1. Куйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон Фармонига мувофиқ 2019 — 2022 йиллар давомида 253 381 гектар экин майдонида сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг:

2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4087-сон қарорига мувофиқ пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчиларига томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш учун пахта хом ашёси экиладиган майдоннинг ҳар бир гектари учун 8 млн сўм миқдорида субсидиялар тақдим этилаётганлиги;

2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 октябрда эълон қилинган.

вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4161-сон қарорига мувофиқ янги узум плантацияларини яратиш мақсадида томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилишга узум экиладиган майдоннинг ҳар бир гектари учун 8 млн сўм миқдорида субсидиялар тақдим этилаётганлиги;

2019 йил 20 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4246-сон қарорига мувофиқ янги боғлар ва иссиқхона хўжаликларини яратиш мақсадида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишга экин майдонининг ҳар бир гектари учун 6 млн сўмдан ошмаган миқдорда субсидиялар тақдим этилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2020 йилда 43 825 гектарда, шу жумладан:

24 859 гектар — пахта экин майдонларида;

11 498 гектар — мевали экин майдонларида;

4 987 гектар — узумзорларда;

2 481 гектар — бошқа экин майдонларида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича тасдиқланган прогноз кўрсаткичларининг самарали бажарилишини таъминласин.

2. 2020 йил 1 январдан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўйидаги тартиби белгилансин:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини, шунингдек, уларни харид қилиш ва қуришга ажратиладиган банк кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 1-иловага* мувофиқ субсидиялар тақдим этилади;

бюджет маблағларини олувчилар билан тузиладиган импорт шартномаларини мажбурий экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олиш талаби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича ишлар доирасида тузиладиган импорт шартномаларига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ ушбу банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4087-сон қарорига му-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вофиқ ташкил этилган сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳларга қишлоқ хўжалиги экинларини ишлаб чиқаришда сув тежовчи суғориш технологияларининг барча турларини жорий этиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш бўйича қўшимча вазифалар юклатилсин.

4. Белгилансинки:

а) сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилишини таъминлаш учун сув етказиб бериш насос станциялари ва насос агрегатлари ёрдамида, шу жумладан суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан амалга ошириладиган экин майдонлари устувор ҳисобланади;

б) 2020 йил 1 январдан ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби бекор қилинади;

в) 2022 йил 1 январдан:

пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштириш учун насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қилган электр энергияси қийматини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар ҳисобига қоплаш тартиби фақат сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига татбиқ этилади;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланишга сув тежовчи суғориш технологияларини қўллаш шарти билан рухсат этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 20 ноябрга қадар ҳудудлар ва экин майдонларини кўрсатган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари ва сув тежовчи суғориш тизимлари турлари кесимида 2020 йил учун сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш манзилли дастури ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда мазкур қарорга мувофиқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

сув тежовчи суғориш тизимларининг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш соҳасида саноат тармоқлари ўртасидаги ўзаро кооперацияни кенгайтириш бўйича мавжуд имкониятларни ўргансин;

сув тежовчи суғориш тизимларининг маҳаллийлаштирилиши лозим

бўлган бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмларининг аниқ рўйхатини мавжуд хом ашё ресурсларини инобатга олган ҳолда шакллантирсин;

2020 — 2022 йилларда сув тежовчи суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи буюмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва унинг қувватларни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Исроил Давлати, Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси, Туркия Республикасидаги элчихоналари ва мамлакатнинг хориждаги бошқа дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда:

сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишни кенгайтиришда, шунингдек, мамлакат ҳудудларида сув тежовчи суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи буюмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун чет эл инвесторларини жалб қилишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига кўмаклашишни;

2020 йил 1 июнга қадар ушбу банд ижроси доирасида қўрилаётган чоралар тўғрисида ҳар ой Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар сув хўжалиги насос станцияларида Электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига мос келувчи ўлчов асбоблари жорий этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олимлар ва экспертларни жалб қилган ҳолда 2019 йилда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш самарадорлиги юзасидан ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил ўтказсин, уларнинг натижалари асосида:

2019 йил 15 декабрга қадар сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш натижалари ва ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин;

2020 йил 1 февралга қадар ҳудудлар, суғориладиган далалар ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда уларнинг навлари хусусиятларидан келиб чиқиб, сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш ва қўллаш бўйича услубий тавсияларни, шунингдек, улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2020 — 2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидагиларни назарда тутсин:

2021 — 2025 йилларда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилишнинг асосий йўналишлари ва устувор ҳудудлари, шунингдек, 2030 йилгача мақсадли мўлжалларни;

сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган майдонлар ўлчамини инобатга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини босқичма-босқич ошириш ҳамда насос станцияларини бошқаришни мақбуллаштиришни;

сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш тадбирларини халқаро молия институтлари ва донор мамлакатларнинг грантлари ҳамда узоқ муддатли имтиёзли кредитларини жалб қилиш ҳисобидан молиялаштириш тартибига ўтиш ва харажатларининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаш механизмларини жорий этишни;

алоҳида сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилишни босқичма-босқич йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, шу жумладан қишлоқ хўжалиги кластерларига беришни;

в) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш, улардан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қисқа муддатли сайёр ўқитиш курсларини ўтказишни назарда тутувчи режа-график ва ўқув дастурини ишлаб чиқсин;

г) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 февралга қадар мазкур қарорнинг ижро этилиши ҳолати ва натижалари таҳлили асосида қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришнинг сув тежовчи технологияларини жорий этиш прогноз кўрсаткичларини ошириш, шунингдек, ушбу тадбирларни молиялаштириш манбалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

д) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан сув хўжалиги ташкилотларининг суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланиш тартибини сув тежовчи суғориш технологияларини мажбурий тартибда қўллаш бўйича талаб киритилишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлигига оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва вазифалари, шунингдек, жойларда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш жараёнлари ҳамда натижаларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 октябрь,
ПҚ-4499-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги
ПҚ-4499-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги «Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-725-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4087-сон қарориди:

а) 3-банднинг «а», «б» ва «в» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишга кўмаклашувчи ишчи гуруҳларни (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) 2-иловага мувофиқ намунавий таркибда ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

а) ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади: сувни тежайдиган суғориш тизимларини жадал ва тўлиқ жорий этишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига ҳуқуқий ва ташкилий-техник ёрдам кўрсатиш;

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сервис ташкилотлари ҳамда сувни тежайдиган суғориш тизимларини ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатли сервис хизмат кўрсатилишини ташкил этишни таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига, шу жумладан сувни тежай-

диган суғориш тизимларини қуриш бўйича намунавий лойиҳаларни тақдим этиш орқали суғоришнинг сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш услубларини ўзлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сувни тежайдиган суғориш тизимларини жорий этиш учун кредит олишда амалий кўмаклашиш;

сувни тежайдиган суғориш тизимларининг жорий қилинишини ва ундан фойдаланиш самарадорлигини, жумладан, суғориш суви, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техник ресурсларни ишлатиш ҳажмларини қисқартириш кўрсаткичларининг тизимли мониторинг қилинишини ташкил этиш;

аниқланган муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича тезкор чоралар кўриш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда маълумот тақдим этиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибияти ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи) ҳисобланади;

в) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Мувофиқлаштирувчининг ишчи органи ҳисобланади;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари хавза бошқармалари ишчи гуруҳларнинг ишчи органлари ҳисобланади.

Белгилансинки, ишчи гуруҳлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги «Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3939-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади»;

в) 6-бандда:

«б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларининг мувофиқлаштирилган ҳолда фаолият юритишини таъминласин»;

«в» кичик бандидаги «томчилатиб суғориш технологияларини» сўзлари «сувни тежайдиган суғориш технологияларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик бандидаги «томчилатиб суғориш технологиясини» сўзлари «сувни тежайдиган суғориш технологияларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-илованинг 3-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агротехнология мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4161-сон қарорида:

10-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда»;

11-банддаги «в» ва «г» кичик бандлари» сўзлари «г» кичик банди» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4246-сон қарори 7-банди «б» кичик бандининг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юқорида кўрсатилган сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда».

Изоҳ: мазкур илованинг 1-банди, 2-банди «а» кичик банди, 3 ва 4-бандлари 2020 йил 1 январдан қучга қиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

830 Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, спортнинг ҳар хил турларини, шу жумладан регбини янада оммалаштириш, спорт билан шугулланиш учун қулай шарт-шароитлар ва инфратузилма яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда регби республикаимизда жадал ривожланаётган спорт турларидан биридир. Ўзбекистон регби федерацияси ва унинг ҳудудий бўлималари ташкил этилди ҳамда фаолият кўрсатмоқда, регби бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси нуфузли халқаро мусобақаларда («Asian Olympic Pre-Qualifier», «Asian 7's») фаол иштирок этиб, шарафли ўринларни эгаллаб келмоқда, ушбу жамоа Осиё минтақасидаги давлатлар орасида кучли саккизликка қиради.

Шу билан бирга, моддий-техник база ва инфратузилманинг етарли эмас-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 октябрда эълон қилинган.

лиги, регби бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг уйғун тизими яратилмаганлиги соҳанинг янада ривожланишига ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Регбини янада ривожлантириш, уни республика аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш, юқори сифатли ўқув-машқ жараёнини таъминлаш, регбичилар, тренерлар ва ҳакамларнинг маҳорат даражаси ва малакасини доимий ошириб бориш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, регбичи-спортчиларни тайёрлаш учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон регби федерациясининг қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) ҳар бир ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида регби бўлимларини очиш;

б) болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ишга қабул қилинаётган регби бўйича мураббийлар номзодларини Ўзбекистон регби федерацияси билан мажбурий келишиш тартибидан жорий қилиш;

в) қўйидагиларни назарда тутувчи регби бўйича спорт мусобақаларини ўтказишнинг тўрт босқичли тизимини жорий этиш:

биринчи босқичда — спорт клублари, секциялари жамоалари ўртасидаги спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

иккинчи босқичда — спорт клублари, секциялари ўртасидаги мусобақаларда ғолиб чиққан жамоалар ўртасида туман (шаҳар) спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

учинчи босқичда — туман (шаҳар) спорт мусобақаларида ғолиб чиққан жамоалар ўртасида ҳудудий спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок);

тўртинчи босқичда — ҳудудий спорт мусобақаларида ғолиб чиққан жамоалар ўртасида республика спорт мусобақалари (чемпионат, биринчилик, кубок).

2. 2019 — 2022 йилларда республикада регбини янада комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар дастури) иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида қўйидаги устувор йўналишлар ва вазифалар белгилансин:

иктидорли спортчи ёшларни танлаб олиш (селекция ишлари) фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва регби бўйича ўқув-машқ жараёнини сифатли ташкил этиш;

регбини оммалаштириш, ёшларни спорт клублари, секциялар ва тўғарақларга фаол жалб қилиш, улардан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

тренерлар, ҳакамлар ва регби бўйича бошқа мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

регби бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиши учун унинг сифатли ва самарали тайёргарлигини таъминлаш;

халқаро мусобақаларнинг ғолиблари ва совриндорларини рағбатлантириш, шунингдек, тренерлар, ҳакамлар ва регби бўйича бошқа мутахассисларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш;

регбининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва инфратузилмасини такомиллаштириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига қўйидаги вазифаларни ҳал этиш юклатилсин:

худудий регби федерацияларининг молиявий ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

тегишли ҳудудларнинг раҳбар кадрлари орасидан номзодларни худудий регби федерациялари раиси лавозимига тавсия этиш;

тегишли ҳудудда профессионал регбининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш, камида битта профессионал регби клубини ташкил этиш, регби машғулотларини ўтказиш учун стадионлар, шунингдек, тегишли худудий регби федерацияларини жойлаштириш учун бинолар ажратиш.

4. Ўзбекистон регби федерацияси фаолиятини ва унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишни молиялаштириш манбалари қўйидагилар эканлиги маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг республика календарь режасида назарда тутиладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси маблағлари;

ҳомийлар маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг спорт клублари стадионларида мунтазам равишда регби бўйича ўқув-машғулотлар ва мусобақалар ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиб берилишини беғараз асосда таъминласин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармони билан тасдиқланган Олимпия спорт турларини 2018 — 2021 йилларда кейинчалик ривожлантириш ва оммалаштириш комплекс чора-тадбирлари дастурининг 21-бандига мувофиқ Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чорвоқ қишлоғида Ўзбекистон терма жамоаси

аъзолари томонидан ўқув-машқ жараёнини ўтказиш учун Ўзбекистон регби федерациясининг спорт базасини қуриш кўзда тутилган;

спорт базасини сақлаш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш Ўзбекистон регби федерацияси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Чорвоқ қишлоғида Ўзбекистон регби федерациясининг спорт базаси қурилишини 2020 йилга мўлжалланган жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзилли дастурига киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон регби федерацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, профессионал регби клублари белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга мувофиқ олиб кириладиган, регби бўйича спорт объектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган спорт ускуналари, инвентарь ва махсус профессионал спорт анжомлари учун 2023 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ҳамда божхона йиғимлари бундан мустасно) озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида регби бўйича мутахассисларни тайёрловчи йўналишлар очиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ушбу бандни амалга ошириш бўйича чоралар кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон регби федерацияси билан биргаликда:

мамлакатимизда регбининг ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, фуқароларнинг ушбу спорт турига қизиқишини шакллантириш чоралари кўрилиши;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган спорт жиҳозлари ва инвентарь, регби учун спорт кийимлари ва пойабзал билан таъминланиши;

регби инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда ўқув-машғулот йиғинларининг ташкил этилиши;

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларида регби бўлимларини очиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон регби федерациясининг буюртманомасига биноан жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон рег-

би федерациясининг буюртманомасига биноан жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга давлат божини ундирмасдан кўп марталик визаларни бериш ва уларни узайтириш ҳамда вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатга олишни расмийлаштириш ва уни узайтиришни белгиланган тартибда таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон регби федерациясининг буюртманомаларига биноан хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этиш учун рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, мазкур хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг ўрнатилган тўловлар ундирилмасдан берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида регбининг ривожланишини, регби жамоалари, тренерлар ва регби бўйича бошқа мутахассислар фаолиятини мунтазам равишда ва кенг ёритиб бориш ҳамда регби бўйича расмий мусобақалар ўтказилишини тарғиб қилиш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 октябрь,
ПҚ-4500-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**831** **Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қуватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш борасида амалга оширилаётган ислохотларни комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, уларни янада ривожлантиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш учун илмий-амалий майдон яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида:

1. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Таъсисчилар кенгашининг институтни Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

халқ билан мулоқот ҳолати ва ривожланишини ўрганиш, давлат органлари фаолияти очиқлигини тизимли таҳлил қилиш;

фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида илмий ва эксперт доиралар иштирокида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашиш, уларнинг натижаларини умумлаштириш асосида ўрта ва узоқ истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини янада такомиллаштириш ва стратегик йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти ривожланишининг норматив-ҳуқуқий тартибга солиниши ҳолатини ва ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилишни ташкил этиш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, жамоатчилик бошқарувида уларнинг иштирокини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишни ўрганиш ва таҳлил қилишни ташкил этиш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлиги, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларининг замонавий механизмларини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти ривожланишини, унинг институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлик даражасини, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторла-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 октябрда эълон қилинган.

рини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкиллаштириш, улар асосида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳақида даврий ва махсус илмий-таҳлилий маърузалар ҳамда бошқа материаллар тайёрлаш;

демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларини, аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш;

рақобатдош кўп партияли тизимнинг ривожланиш даражасини тизимли таҳлил қилиш, сиёсий партиялар томонидан ўз электорати манфаатлари йўлида ўтказиладиган тadbирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, фуқаролар фаоллигини ошириш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг муаммоларини тизимли ўрганиш;

фуқаролик жамиятини ташвишга солаётган долзарб масалалар бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва жамоатчилик эшитувларини ўтказишни ташкил этиш, уларнинг яқунларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шу асосида социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақида жамоатчилик фикрини тизимли ўрганишни ташкил этиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, тегишли ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш;

фуқаролик жамияти институтлари вакилларига тегишли профессионал кўникмаларини шакллантиришда ва ишбилармонлик малака даражасини оширишда кўмаклашиш;

давлат ва жамият ўртасида очиқ мулоқотни ташкил этиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, аҳоли билан қайта алоқа механизmlарини йўлга қўйиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг оптимал ёндашувларини ишлаб чиқиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларига кўмаклашиш борасида ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий-услубий ва ахборот жиҳатдан таъминлаш.

3. Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 115 нафардан иборат бўлган тузилмалари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

Марказ директори, зарур ҳолларда, Марказ ва унинг ҳудудий бўлин-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

малари тузилмаларига белгиланган умумий штат сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгаллиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилансинки:

Марказ нодавлат нотижорат ташкилоти шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

Марказ қайта ташкил этилаётган Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказ директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши раҳбари ўринбосари ҳисобланади;

фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Марказ билан ҳам келишилади;

Марказ ўз вазифаларини бажариши учун шартнома асосида етакчи илмий, таълим ва таҳлилий, шу жумладан хорижий муассасалар экспертларини жалб этиш ҳуқуқига эга;

давлат органлари раҳбарлари Марказга ҳар томонлама қўмаклашади, жумладан Марказ ўз вазифаларини бажариши учун унга зарур шарт-шароитлар яратади, шунингдек, сўралган маълумотларни ўз вақтида тақдим этади, Марказ томонидан ўтказилган таҳлиллар яқунлари бўйича киритилган материаллар ва тавсияларни кўриб чиқади;

2019 йил 1 ноябрдан Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Марказ ходимларининг лавозим маошларини белгилашда тариф коэффициентлари икки барабар оширилган миқдорда қўлланилади.

Қайд этилсинки, ушбу банднинг саккизинчи хатбошисида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан субсидия шаклида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Марказни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартиби сақлаб қолинсин.

Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар; халқаро молия ва бошқа институтлар, чет эл ташкилотлари грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан

тушган тушумлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига, шунингдек, Марказнинг таъсисчи — ташкилотларига ҳар йили унинг буюртманомаларига биноан Марказ фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутиш тавсия этилсин.

6. Марказга:

фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари бўйича семинарлар, илмий ва эксперт муҳокамаларини мунтазам ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларини ҳамда эксперт-таҳлил йўналишида кадрлар тайёрлайдиган олий ва бошқа таълим муассасалари талабалари (тингловчилари)ни иш ўрганувчи-тадқиқотчи сифатида жалб этган ҳолда илмий-ўқув лабораторияларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирган ҳолда 2020 — 2022 йилларда Марказ ходимларини фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ихтисослашган етакчи хорижий тадқиқот ва таҳлилий институтларига иш ўрганиш учун юбориш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш тавсия этилсин.

7. Белгилансинки:

а) фуқаролик жамияти ривожланиши бўйича Марказ томонидан ўтказилган ўрганишлар ва таҳлилларнинг натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати йиғилишларида мунтазам муҳокама қилинади, яқунлари бўйича тегишли чоралар кўрилади;

оммавий ахборот воситаларида, марказий давлат телеканалларида, матбуот нашрларида ва ушбу Марказнинг веб-сайтида доимий ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига фуқаролик жамияти ривожланиши бўйича Марказ томонидан ўтказилган ўрганишлар ва таҳлилларнинг натижаларини парламент ва унинг қўмиталари (комиссиялар) мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини жорий қилиш тавсия этилсин;

б) Марказ ҳар йили Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги маърузани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашига кўриб чиқиш учун киритади, у эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот беради.

8. Марказга уч ой муддатда фуқаролик жамияти ривожланишини, унинг институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожлантиришга, шу жумладан 2030 йилгача бўлган даврда БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш доирасида қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) Марказ ҳудудий бўлинмаларининг эгаллаб турган биноларидан бегараз фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолишини таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан:

Марказ ҳудудий бўлинмалари ўз вазифа ва функцияларини самарали бажариши учун зарур моддий-техник шароитлар яратиб берсин;

Марказ ҳудудий бўлинмалари буюртманомалари асосида бино ва хоналарни жорий таъмирлаш, уларни замонавий оргтехника, мебель ва зарур алоқа турлари билан жиҳозлаш бўйича ишларни ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Марказга хорижий тадқиқот муассасалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда, тажриба алмашиш ҳамда замонавий услуб ва ёндашувлар асосида фуқаролик жамияти ривожланишини ўрганишни ташкил этиш ва таҳлил қилиш кўникмаларини такомиллаштириш учун уларнинг малакали мутахассисларини жалб этишда кўмаклашсин.

11. Марказ:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин;

б) қуйидаги мажбурий жўнатмалар реестрига киритилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, молия, иқтисодиёт ва саноат, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратураси, Олий суди, бошқа вазирликлар ва идораларнинг статистик маълумотлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бюллетенлари ва кунлик маълумотлари тўплами;

ижтимоий-иқтисодий соҳадаги хорижий матбуот шарҳлари ва илмий-тадқиқот институтларининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқти-

содий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтининг тахлилий маъруза маълумотномалари.

12. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в. б. А.Ж. Хаджаев ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимовга фуқаролик жамияти ривожланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари оммавий ахборот воситаларида, марказий давлат телеканалларида, матбуот нашрларида доимий ёритилиши;

вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига Марказ ўз вазифаларини самарали амалга ошириши учун унга ҳар томонлама ва тўлиқ қўмаклашиш юзасидан шахсан жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги «Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2851-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказни мазкур қарорга мувофиқ белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказишни амалга оширсин.

15. Марказ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 октябрь,
ПҚ–4501-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**832 «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда электрон ҳукуматни ривожлантириш ва модернизация қилиш, шу жумладан маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш, аҳоли мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнларининг шаффофлиги ва оптималлашувини таъминлаш, фаол тадбиркорликни рағбатлантириш, шунингдек, инвестицион иқлим ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган давлат хизматлари кўрсатишни кенгайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт ютуқларининг имкониятлари тўла рўёбга чиқарилмаётган қатор соҳалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, ижтимоий-меҳнат соҳасида замонавий ахборот технологиялари етарли даражада фаол қўлланилмаяпти. Ҳозирга қадар ташкилотларда кадрлар бўйича иш юритиш асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда, бу эса ходимнинг, айниқса, пенсия таъминоти ҳуқуқларини расмийлаштиришда меҳнат стажини аниқ ҳисобланишини мураккаблаштиради, шунингдек, аҳоли бандлиги ҳақидаги маълумотларнинг нотўғри кўрсатилишига шароит яратади ва маъмурий бошқарув харажатларини кўпайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ, шунингдек, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш ва уларнинг меҳнат стажини ҳисоблаш механизминини такомиллаштириш, ижтимоий-меҳнат соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 1 январдан қуйидагиларни таъминловчи «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини (кейинги ўринларда — «ЯММТ» ИДАК) жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузиш, меҳнат шартномаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларни тугатиш тартиб-таомилларини электрон рўйхатдан ўтказишни амалга ошириш;

иш берувчиларнинг тузилмаси (штатлар жадвали), шу жумладан мав-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

жуд ва яратиладиган иш ўринлари, меҳнат шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

ходимнинг меҳнат стажини ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар, ҳисобланган иш ҳақи ва жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларига ҳисобланган солиқлар, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия жамғармаси ҳисобига тўловлар ҳақидаги ахборотга асосланган электрон меҳнат дафтарчасида жисмоний шахсларнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва юритиш;

аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини ва унинг самарадорлигини ошириш учун меҳнат бозори кўрсаткичлари ҳолати ва динамикаси тўғрисидаги ахборотлардан иборат маълумотларни идоралараро тизимлаштирилган тарзда ва мунтазам равишда электрон алмашишни жорий этиш;

ходимлар ҳамда ишчиларнинг сон ва сифат таркиби, вакансиялар, шунингдек, ишга жойлашиш учун номзодларга иш берувчилар томонидан қўйиладиган малакавий ва бошқа талаблар тўғрисида автоматик тарзда тўпланадиган холис, шаффоф ва долзарб маълумотларни шакллантириш;

манфаатдор ташкилотларга улар ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариши учун «ЯММТ» ИДАКдан зарурий маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиш;

меҳнат ресурсларининг, хусусан, меҳнат ресурслари тоифалари, ишга лаёқатли, иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли қатламлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида пенсия ёшидаги ишлаётган шахслар ва ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида ҳар куни янгиланадиган балансини шакллантириш;

меҳнат муносабатлари ва меҳнат муҳофазаси, ишга жойлаштириш дастурлари бўйича ўтказиладиган текширувлар, шунингдек, иш ўринларининг аттестацияси, Меҳнат муҳофазаси соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари ягона реестрига тегишли маълумотларнинг (ахборотларнинг) тўлиқ киритилишини экспертизадан ўтказиш натижаларини мониторинг қилиш;

хорижга вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетадиган фуқароларни онлайн рўйхатдан ўтказиш, ташкилий тартибдаги меҳнат миграцияси тўғрисидаги келишувга асосан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларида меҳнат миграцияси масалалари бўйича атташе томонидан хорижда ишга жойлаштирилган фуқаролар ҳақида маълумотлар базасини яратиш, шунингдек, ишга жойлаштирилаётган мамлакатда бўлиш қоидалари, меҳнат шароитлари, ижтимоий ва яшаш-турмуш таъминоти, чет эллик иш берувчилар би-

лан тузиладиган меҳнат шартномаларининг ҳуқуқий жиҳатлари, қонунчиликда назарда тутилган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида онлайн тартибда маълумотлар тақдим этиш имконияти;

меҳнат бозорининг, ҳудудлар, жинс ва ёш омиллари, соҳалар ва мутахассисликлар кесимида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ривожланиш тенденциялари прогнозини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг амалга оширилган ва амалга оширилиши режалаштирилаётган ахборот ресурслари билан интеграциялаш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига меҳнат ва аҳоли бандлиги соҳаларида давлат бошқаруви бўйича юклатилган функцияларни тўла ҳажмда ва тезкорлик билан амалга ошириш.

2. «ЯММТ» ИДАК учун реал вақт режимида маълумотлар базасига кириш имконияти тақдим этиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамда «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали идоралараро электрон алоқа воситасида амалга ошириладиган алмашув маълумотлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020 йил 1 январдан бошлаб янги меҳнат шартномаларини тузиш, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш, шунингдек, уларни тугатиш ҳолатларини «ЯММТ» ИДАКда мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилади. Бунда 2020 йил 1 январга қадар тузилган амалдаги меҳнат шартномалари 2020 йил 1 сентябрдан кечиктирмасдан «ЯММТ» ИДАКда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Меҳнат шартномаларини «ЯММТ» ИДАКда рўйхатдан ўтказиш белгиланган тартибда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

б) 2020 йил 1 январдан бошлаб, рўйхатдан ўтказиладиган меҳнат шартномаларидаги маълумотлар асосида «ЯММТ» ИДАКда автоматик тарзда шакллантириладиган ходимнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи электрон меҳнат дафтари жорий этилади;

в) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «ЯММТ» ИДАКнинг балансида сақловчиси ҳисобланади;

г) «ЯММТ» ИДАКдан фойдаланиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун бепул ҳисобланади. «ЯММТ» ИДАКни ишлаб чиқиш, кузатиб бориш, таъминлаш ва такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда — Бандликка қўмаклашиш жамғармаси) ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ходимнинг меҳнат стажи, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ пенсия тайинлашда ходим томонидан амалга ошириладиган меҳнат фаолияти даврига асосан:

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2020 йил 1 январдан сўнг — «ЯММТ» ИДАКда мавжуд маълумотлар асосида (қонун ҳужжатларида белгиланган алоҳида ҳоллардан ташқари);

2020 йил 1 январга қадар — «ЯММТ» ИДАК жорий қилингунгача ўрнатилган тартибда белгилансин.

5. «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексини («ЯММТ» ИДАК) жорий қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Идоралараро ишчи гуруҳи) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қўйидагилар Идоралараро ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«ЯММТ» ИДАКни ишлаб чиқиш, жорий қилиш, фойдаланиш ва ривожлантириш бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини ҳамда унинг «Электрон ҳукумат» тизимига интеграциялашувини мувофиқлаштириш;

«ЯММТ» ИДАКни ривожлантириш ва такомиллаштириш, меҳнат муносабатлари субъектларининг ахборот эҳтиёжларини қондириш мақсадида «ЯММТ» ИДАК орқали кўрсатиладиган электрон давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

меҳнат муносабатларини расмийлаштиришни электрон шаклга янада кенгроқ ўтказиш бўйича ташкилий тадбирларни, шу жумладан «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида «ЯММТ» ИДАКни бошқариш дирекцияси (кейинги ўринларда — Дирекция) ташкил этилсин.

8. Дирекция зиммасига қўйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

иш берувчилар томонидан меҳнат шартномаларининг ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилишини мониторинг қилиш, меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказишда иш берувчилар ва ходимларга техник ёрдам кўрсатиш, шу жумладан тегишли маълумотларни киритиш ва олиш учун зарур аппарат воситаларини тақдим этиш;

«ЯММТ» ИДАКни қўллаш, электрон меҳнат дафтарчасини шакллантириш ва жорий қилиш, ходимнинг меҳнат стажи тўғри ҳисобланишини таъминлаш жараёнида юзага келадиган барча масалалар бўйича иш берувчиларга техник ва ахборот кўмагини тақдим қилиш, шунингдек, «ЯММТ» ИДАК фойдаланувчиси ҳисобланган фуқароларга ахборот кўмагини кўрсатиш;

«Электрон ҳукумат» тизимига кирувчи ахборот тизимлари билан «ЯММТ» ИДАК маълумотларини алмашиш масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни ташкиллаштириш;

«ЯММТ» ИДАКдан самарали ва ишончли фойдаланиш, иш берувчилар ва ходимлар шахсий маълумотларининг ахборот хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш;

жорий этилаётган меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва элек-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

трон меҳнат дафтарчаларини юритиш тартибини тушунтириб берувчи, «ЯММТ» ИДАКни ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболлари ҳақида материаллар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, телерадиоканалларда махсус телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкил қилиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

хар йили Бандликка кўмаклашиш жамғармасининг харажатлар сметасида «ЯММТ» ИДАКни таъминлаш, ривожлантириш, такомиллаштириш, самарали ишлаб туриши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун маблағларни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда «ЯММТ» ИДАКнинг ишлаб чиқиладиган Давлат фуқаролик хизматининг ягона электрон ахборот-таҳлил тизими билан интеграциялаштиришни назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда «ЯММТ» ИДАКни солиқ хизмати органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялаштириш орқали ходимларнинг меҳнат фаолияти тўғрисида «ЯММТ» ИДАКда акс этувчи маълумотларнинг ҳисобланган иш ҳақини шахсий ҳисобга олиш марказлаштирилган электрон реестри маълумотлари билан тўғри келишини талабнома асосида текширишни (верификациялашни) доимий асосда таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий аттестация комиссияси ва республикадаги олий таълим муассасалари билан биргаликда икки ой муддатда олий маълумот тўғрисидаги дипломлар, илмий даража тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек, хорижий олий таълим муассасасидан олинган олий маълумот ёки илмий даража тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида гувоҳномалар берилган жисмоний шахсларнинг электрон маълумотлар базасини шакллантирсин ва уни «ЯММТ» ИДАК билан интеграциялаштиришни таъминласин.

11. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий аттестация комиссияси тайёрланган, тақсимланган, бузилган ва берилган олий маълумот тўғрисидаги дипломлар, илмий даража тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек, хорижий олий таълим муассасасидан олинган олий маълумот ёки илмий даража тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида гувоҳномалар бланклари тўғрисидаги батафсил маълумотни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига мунтазам равишда киритиб боради, диплом олган жисмоний шахсга берилган бланк унинг шахсий идентификация рақамига бириктириб қўйилади.

12. Белгилаб қўйилсинки, меҳнат шартномаларини, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартиришларни, уларнинг тугатилишини «ЯММТ» ИДАКда ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, электрон меҳнат даф-

тарчасини шакллантириш учун масъулият иш берувчи зиммасига юклатилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг жисмоний шахсларга ихтиёрий равишда ўтган даврдаги ишга жойлашганлик тўғрисидаги маълумотларни мустақил тарзда «ЯММТ» ИДАКга киритиш ҳуқуқини бериш, бунда жисмоний шахслар ихтиёрий равишда киритган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси органлари томонидан мажбурий верификацияланишини (тасдиқланишини) назарда тутиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

14. Иш берувчилар ва жисмоний шахсларни тўлиқ қамраб олган ҳолда «ЯММТ» ИДАКни жорий этишни самарали мувофиқлаштириш мақсадида:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги марказий аппарати Меҳнат стандартлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бошқармаси бошқарув ходимларининг штатлари сони 16 нафарга оширилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларида бошқарув ходимларининг умумий сони 84 нафардан иборат бўлган меҳнат стандартлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўлимлари ташкил этилсин.

Белгилансинки, юқорида кўрсатилган умумий сони 100 нафардан иборат бошқарув ходимлари штатлари туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларидаги касбий қайта ўқитишни ташкил этиш шўъбаси мутахассислари лавозимини 0,5 ставкага қисқартириш ҳисобига киритилади.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг ишлаб чиқиладиган янги таҳрири лойиҳасида мазкур қарорда келтирилган меъёрларни назарда тутсин;

бир ой муддатда Дирекциянинг таъсис ҳужжатлари ва тузилмасини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

уч ой муддатда Дирекцияни, шу жумладан, юқори малакали хорижий мутахассислар ва чет элдаги етакчи таълим муассасаларини тамомлаган республикамиз фуқаролари орасидан билим ва кўникмага эга профессионал мутахассислар билан тўлдиришни таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда, Дирекция тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ва ходимларнинг чекланган умумий сонини белгилаш, шу жумладан зарур ҳолларда Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликларини киритиш;

меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда Меҳнат органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига шартнома асосида тор доирадаги мутахассисларни Дирекцияда ишлаш учун жалб этиш.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда мазкур қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда «ЯММТ» ИДАКни жорий қилиш ва унинг кейинчалик самарали ишлашини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини;

бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни;

икки ой муддатда «ЯММТ» ИДАК тизимида меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказмаганлик ва электрон меҳнат дафтарчасига маълумотлар киритмаганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда «ЯММТ» ИДАКдан фойдаланган ҳолда меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва меҳнат стажининг ҳисобини электрон шаклда юритиш тартиби ва жорий қилинаётган механизмларнинг афзалликларини аҳоли ва иш берувчилар ўртасида мунтазам равишда ва ҳар томонлама ёритишни таъминласин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 октябрь,
ПҚ-4502-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**833 Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли институционал ислохотлар доирасида молия секторининг барқарорлигини, унинг глобал молия тизимига интеграциялашувини таъминлаш, банк хизматларининг сифатини ва улардан фойдаланиш имкониятларини, биринчи навбатда хусусий бизнес ва аҳоли учун ошириш чоралари қўрилди.

Давлат улушига эга бўлган тижорат банкларида замонавий корпоратив бошқарув тамойиллари, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, фаолият самарадорлиги ва инвестициявий жозибadorлигини ошириш орқали уларнинг шаклини ўзгартириш борасидаги ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, банк секторини ислох қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар илғор халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда банк соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида тижорат банклари ходимларининг билими ва малакасини оширишни тақозо этмоқда.

Корпоратив бошқарув, молиявий менежмент, аудит, молиявий хатарларни бошқариш, ахборот-коммуникация технологиялари, қимматли қоғозлар бозори соҳаларида банк секторининг юқори малакали кадрларини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, банк ходимларини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг илғор халқаро тажрибасини жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси банк тизими кадрлари салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари этиб белгилансин:

кадрлар тайёрлашга нисбатан халқаро стандартларга ва илғор хорижий тажрибага асосланган тизимли ёндашув;

тижорат банкларининг бошқарув, ўрта ва қуйи бўғин ходимлари меҳнатига уларнинг малакаси, билими ва аниқ иш натижаларидан (KPI) келиб чиққан ҳолда ҳақ тўлашнинг бонусли тизимини жорий этиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксизлиги, ўқитиш дастурларининг замонавий тижорат банклари томонидан кенг фойдаланилаётган рақамли технологияларга мувофиқлигини таъминлаш;

тегишли лавозим учун талаб этиладиган малака ва тажрибага эга бўлган бошқарув ходимларини, инвестицион банкинг, лойиҳавий молиялаштириш, хатарларни бошқариш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш;

ўқиётган кадрларга тактик ва стратегик истиқболдаги самарали ишлаш учун зарур билимларни бериш ва кўникмаларни шакллантириш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 ноябрда эълон қилинган.

бизнес юритишнинг умумий тамойилларини ва ягона корпоратив маданиятни шакллантириш;

банк мутахассислари, ўқитувчилар таркиби ва талабаларни банк ишининг аниқ йўналишлари бўйича хорижий банкларда ва таълим муассасаларида ўқитиш ҳамда стажировкадан ўтказиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (кейинги ўринларда — Ўзмиллийбанк), Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси банкларининг:

Банк-молия академиясини (кейинги ўринларда — Академия) Ўзмиллий-банк тасарруфига ўтказиб, уни Академиянинг таъсисчиси этиб белгилаш;

2018 ва 2019 йилларда Академия магистратурасига қабул қилинган шахслар учун магистратура мутахассисликлари бўйича амалдаги таълим дастурларини, шунингдек, Академиянинг сарф-харажатларини магистратурада давлат гранти асосида таълим олаётган шахсларнинг ўқиши тугагунга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаб қолиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Ўзмиллийбанк:

а) 2020 йилнинг 1 февралига қадар етакчи хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда қуйидагиларни назарда тутувчи 2020 — 2025 йилларда Академияни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқсин:

Академиянинг халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингдаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритилишини таъминлаган ҳолда унинг халқаро рейтингини босқичма-босқич ошириб бориш;

етакчи хорижий бизнес-мактаблар ва корпоратив университетларнинг айнан бир хил дастурлари асосида банк-молия соҳаси мутахассисларини ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш;

инвестиция фаолияти (Chartered Financial Analyst), хатарларни бошқариш (Financial Risk Manager), Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молия ҳисоби (Association of Chartered Certified Accountants ва Chartered Public Accountant), ички аудит (Certified Internal Auditor), бошқарув ҳисоби (Certified Management Accountant) соҳаларида молия ходимларини халқаро профессионал сертификация имтиҳонларига тайёрлаш;

республика ҳудудларидаги тижорат банкларининг филиаллари учун қисқа муддатли курслар, семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари, стажировкалар, сайёр ўқув модуллари ва бошқа тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

инновацион таълим ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш, илмий-педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш доирасида хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш;

ўқув жараёнига етакчи таълим муассасалари ва банк-молия секторидан юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш амалиётини жорий қилиш;

б) 2020 — 2025 йилларда Академияни ривожлантириш концепцияси-

ни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини 2020 йилнинг 1 мартига қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 октябрь,
ПҚ-4503-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

834 Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2691-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 сентябрдаги ўРҚ–567-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 июндаги 15-мх-сон, 30-сон қарори (рўйхат рақами 2691, 2015 йил 30 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 26-сон, 346-модда) билан тасдиқланган Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловаси билан тасдиқланган Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхатининг Психоневрологик касалликлар бўлими Касалликнинг номланиши ва патологик ҳолатлари устунидаги «Рухий касалликлар» деган сўзлар «Рухий ҳолати бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 октябрь,
14-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 октябрда эълон қилинган.

Тошкент ш.,
2019 йил 14 октябрь,
95-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**835 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1534-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 28 октябрдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1534, 2006 йил 3 январь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 17 октябрдаги 03-01/7-1389-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 22 октябрдаги 01/00-04/09-8294-сон, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2019 йил 21 октябрдаги 84-02-7681-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 октябрда эълон қилинган.

ги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 41-сон, 5067-сон, 84-01-1375-сон «Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1534, 2006 йил 3 январь);

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2006 йил 11 сентябрдаги 28-сон, 11/2870-сон, 01-280-сон «Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1534-1, 2006 йил 3 октябрь).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 октябрь,
489-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**836 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2907-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 25 октябрдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
бюраман:

1. «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларнинг реализация қилиниши ҳуқуқи учун йиғимни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 2907, 2017 йил 28 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 05/01-18-02-32/3458-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 14 июлдаги 104-сон «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларнинг реализация қилиниши ҳуқуқи учун йиғимни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2907, 2017 йил 28 июль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 октябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 октябрь,
490-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**837 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2571-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 25 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Спорт иншоотлари (сув ҳавзаси, спорт зал) ичида шуғулланувчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 2571, 2014 йил 4 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 23 октябрдаги 06-06/3-3008-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2014 йил 6 мартдаги 56-сон «Спорт иншоотлари (сув ҳавзаси, спорт зал) ичида шуғулланувчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2571, 2014 йил 4 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 октябрда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 октябрь,
491-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

838 Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3188

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилди:**

1. Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ микдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 24 декабрдаги 158, 2018-85-сон «Алкоголли маҳсулот-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 29 октябрда эълон қилинган.

лар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3107, 2018 йил 28 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 52-сон, 1009-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2019 йил 1 ноябрдан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 октябрь,
106-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 октябрь,
2019-59-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги
106, 2019-59-сон қарорига
ИЛОВА

**Алкоголь маҳсулотлари* учун энг кам
улгуржи-сотиш ва чакана
НАРХЛАР**

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	8 600	10 200
Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	31 000	36 600
Ароқ ва бошқа алкоғолли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	22 000	26 000

* Пиводан ташқари.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ МАДАНИЯТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**839** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3189

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини бажариш мақсадида **буюраман:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритилиб, 1 — 10-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат маданият муассасалари 2019 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб ходимларнинг иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. САЙФУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 сентябрь,
591-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 октябрда эълон қилинган.

** 1 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Келишилган:

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Н. ХУСАНОВ

2019 йил 26 сентябрь

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 26 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

840 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни бериш ва уларни кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3190*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни бериш ва уларни кўриб чиқиш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

4. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги ҳамда

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 30 октябрда эълон қилинган.

Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Т. Абдусаттаров зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 октябрь,
494-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 30 октябрдаги
494-мҳ-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
Апелляция кенгашига апелляциялар ва Ўзбекистон
Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари
деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни
бериш ва уларни кўриб чиқиш
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) апелляциялар ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни бериш ҳамда уларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Апелляция кенгашига Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомнинг 5-бандида кўрсатилган масалалар юзасидан апелляциялар топширилиши мумкин.

2. Апелляция кенгашига Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум

товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисидаги аризалар (бундан буён матнда ариза деб юритилади) топширилиши мумкин.

3. Апелляциялар тегишлилиги бўйича талабнома берувчи ва манфаатдор шахслар томонидан берилади.

Мазкур Қоидаларнинг 2-бандида назарда тутилган ариза ўз товар белгисини Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси деб ҳисоблаган шахс томонидан берилади.

2-боб. Апелляциялар ва аризаларни бериш шартлари

4. Ушбу Қоидаларнинг 1 ва 2-бандларида кўзда тутилган апелляциялар ёки аризаларни бериш билан боғлиқ ҳаракатларни кўрсатилган шахслар шахсан ўзлари ёки вакиллари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигида (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари орқали амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий истиқомат қиладиган жисмоний шахслар ва чет эл юридик шахслари ёки уларнинг вакиллари башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб кўзда тутилмаган бўлса, апелляциялар ёки аризаларни бериш билан боғлиқ ҳаракатларни, шу жумладан Апелляция кенгаши йиғилишларида қатнашишни ўз вакиллари, шунингдек Агентликда рўйхатдан ўтказилган патент вакиллари орқали амалга оширадилар.

5. Вакилнинг, тегишли ҳолларда патент вакилининг ваколатлари қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилган ва ваколатларнинг ҳажми кўрсатилган ишончнома билан тасдиқланади.

6. Апелляция ёки ариза ихтиёрий шаклда тузилади.

7. Апелляция ёки аризада қуйидагилар кўрсатилади:

а) апелляция ёки ариза берган юридик шахслар учун — унинг номи, жойлашган ери (почта манзили), жисмоний шахслар учун фамилияси, исми, отасининг исми, тузар жойи (тўлиқ манзили) ва бошқа маълумотлар;

б) ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғига талабнома, товар белгисига, шу жумладан белгини халқаро рўйхатдан ўтказишга талабнома, товар келиб чиққан жой номларига, интеграл микросхемалар топологиясига талабноманинг рақами ёки апелляция оид бўлган объектга берилган муҳофаза ҳужжатининг, шу жумладан белгини халқаро рўйхатдан ўтказиш рақами.

Аризада товар белгисига гувоҳноманинг ёки уни рўйхатдан ўтказиш учун берилган талабноманинг рўйхат рақами кўрсатилади. Ариза Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий муҳофазага эга бўлмаган белгига оид бўлса, аризага Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига (рўйхат рақами 1988, 2009 йил 29 июль) мувофиқ тайёрланган товар белгиси намунаси илова қилинади.

в) устидан шикоят берилган қарорнинг қонунга зидлиги, патент, гувоҳ-

нома берилганлиги ёки ҳуқуқий муҳофаза берилганлиги қонунга зидлигининг асоси, апелляция берувчи шахснинг барча сабаб ва далиллари, таклиф этилган объектнинг унга қарши қўйилган барча объектлар билан таққосланган таҳлилини (муҳофаза ҳужжати бериш рад этилганда) апелляция ўз ичига олиши керак.

Товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишни бекор қилиш ҳақидаги апелляция ва/ёки унга илова қилинган материаллар қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

жуғрофий объектга хос бўлган шартларнинг йўқолганлиги ҳақида ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрида кўрсатилган ўзига хос хусусиятларга эга бўлган товарни ишлаб чиқариш имкони йўқлиги ҳақида;

чет эл юридик шахслари ёки чет эл фуқаролари томонидан товар келиб чиққан мамлакатда ушбу товар келиб чиққан жой номига бўлган ҳуқуқ йўқотилганлиги ҳақида;

товар Ўзбекистон Республикасининг товар келиб чиққан жой номлари давлат реестрида ушбу товар келиб чиққан жой номига нисбатан кўрсатилган ўзига хос хусусиятларни йўқотганлиги ҳақида.

Ариза ва унга илова қилинадиган материаллар товар белгисининг ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилганлигини тасдиқлайдиган аниқ маълумотлардан иборат бўлиши керак. Қўйидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар шундай материаллар сифатида тақдим этилиши мумкин:

товар белгисидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кенг фойдаланилгани ҳақида;

товар белгисидан фойдаланилган ҳолда товарлар реализация қилинган аҳоли пунктларининг рўйхати;

ушбу товарлар реализациясининг ҳажми ҳақида;

ярмарка ва кўرғазмаларда товар белгисидан фойдаланилган маҳсулотлар ва/ёки хизматлар рекламаси ва тақдимотини ҳам ҳисобга олган ҳолда, товар белгисидан фойдаланиш усули ҳақида;

товар истеъмолчиларининг ўртача йиллик сони ҳақида;

товар белгиси машҳур бўлган мамлакатлар ҳақида;

Агентлик белгилаган тавсияномаларни ҳисобга олган ҳолда, ихтисослашган мустақил ташкилот томонидан товар истеъмолчилари орасида ўтказилган сўров натижалари ҳақида.

Товар белгисидан узоқ вақт давомида, узлуксиз, кенг ва катта ҳажмда фойдаланилганлиги исботи сифатида маҳсулот сифатини назорат қилувчи ташкилотлар, савдо ташкилотлари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва жамиятларнинг хулосалари (маълумотномалари), декларациялар, сифат сертификатлари ва шу каби ҳужжатлар тақдим этилиши мумкин.

Аризада товар белгисидан фойдаланиш қайси санадан бошлангани ва ариза берган шахс қайси санадан бошлаб ўз товар белгисини Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси сифатида эътироф этганлиги кўрсатилиши керак.

г) апелляция ёки ариза берган шахснинг апелляция ёки ариза моҳияти бўйича аниқ баён қилинган талаблари.

Апелляция ёки ариза апелляция ёки ариза берган шахс ёхуд унинг вакили томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан апелляция ёки ариза ташкилот раҳбари ёки белгиланган тартибда ваколатга эга бўлган шахс томонидан унинг лавозими кўрсатилган ҳолда имзоланади.

Имзо чекаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши шарт.

8. Апелляция битта ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютувига талабнома ёки товар белгисига, товар келиб чиққан жой номларига, интеграл микросхемалар топологиясига талабномага ёхуд битта муҳофазаланадиган объект — ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютувига, товар белгисига, шу жумладан белгини халқаро рўйхатдан ўтказишга, товар келиб чиққан жой номларига, интеграл микросхемалар топологиясига оид бўлиши керак.

Ариза ҳам битта товар белгисига тааллуқли бўлиши керак. Апелляция материаллари икки нусхада топширилади.

9. Апелляциялар Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида», «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида», «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларида белгиланган муддатларда берилди.

10. Апелляция ёки аризага Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 апрелдаги 65-сон қарори билан тасдиқланган Патент божлари ва тўловлари тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланган патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинмаган тақдирда, апелляция ёки аризани кўриб чиқиш бўйича юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилмайди.

11. Апелляция ёки ариза ўзбек ёки рус тилларида топширилади. Барча қўшимча материаллар, шу жумладан техник ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида икки нусхада топширилади. Агар қўшимча материаллар бошқа тилда топширилган бўлса, апелляция ёки ариза берган шахс уч ой муддат ичида ушбу материалларнинг ўзбек ёки рус тилларига таржимасини тақдим этиши лозим. Таржима тақдим қилинмаган тақдирда, ушбу материаллар апелляция ёки аризани кўриб чиқишда эътиборга олинмайди.

3-боб. Апелляциялар ва аризаларни рўйхатга олиш ҳамда қабул қилиш

12. Агентликка келиб тушган апелляция рўйхатга олинади ва унга рўйхат рақами берилди.

13. Агар апелляция ушбу Қоидаларнинг 2-бобида назарда тутилган шартларга жавоб берса, Апелляция кенгашига келиб тушган санадан эъти-

боран ун кунлик муддат ичида апелляция берган шахсга апелляция кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ҳақида билдиришнома юборилади.

Тегишли апелляциялар апелляция ҳуқуқ эгасига Апелляция кенгаши йиғилиши ўтказилгунга қадар ўз мулоҳазаларини Апелляция кенгашига ва апелляция берган шахсга тақдим этиши ҳақидаги таклиф билан юборилади.

14. Агар апелляция мазкур Қоидаларнинг 2-бобида белгиланган шартлар инobatга олинмасдан топширилган бўлса, апелляция берган шахсга апелляцияни кўриб чиқиш учун зарур бўлган маълумотларни уч ой муддат ичида тақдим этиш таклифи баён қилинган сўровнома юборилади.

Сўровномада талаб қилинган маълумотлар кўрсатилган муддатда тақдим этилмаса, апелляция бўйича иш юритиш тўхтатилади ва бу ҳақда апелляция берган шахсга хабар берилади.

15. Апелляция берган шахс кўриб чиқишнинг исталган босқичида апелляцияни чақириб олиши мумкин. Бу ҳолда, апелляция бўйича иш юритиш тўхтатилади.

16. Йиғилишдан ўн кун аввал томонларга Апелляция кенгаши йиғилишининг ўтказилиш жойи, санаси ва вақти ҳақидаги билдиришнома юборилади.

17. Ушбу Қоидаларнинг 12 — 16-бандларида белгиланган тартиб Апелляция кенгашига топшириладиган аризаларга нисбатан ҳам қўлланилади, 14-банднинг иккинчи хатбошиси бундан мустасно.

4-боб. Апелляциялар ва аризаларни кўриб чиқиш муддатлари

18. Апелляциялар қуйидаги муддатларда кўриб чиқилади:

а) келиб тушган санасидан эътиборан икки ой мобайнида:

Агентликнинг ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, товар келиб чиққан жой номларига талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

Агентликнинг фойдали моделга патент бериш тўғрисидаги ёки патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

Агентликнинг селекция ютуғига патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар, агар қўшимча синовлар ўтказиш зарурати туғилмаса.

б) келиб тушган санасидан эътиборан тўрт ой мобайнида:

Агентликнинг ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига патент бериш тўғрисидаги ёки патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

Агентликнинг товар белгиси, товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

Агентликнинг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари-

га мувофиқ амалга ошириладиган муҳофаза бериш тўғрисидаги ёки муҳофаза беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

Агентликнинг интеграл микросхемалар топологиясини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан берилган апелляциялар;

ихтиро, фойдали модель, саноат намунасига патент берилишига қарши берилган апелляциялар;

интеграл микросхемалар топологиясининг рўйхатдан ўтказилишига қарши берилган апелляциялар;

ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси патентларининг ҳақиқийлигига қарши берилган апелляциялар;

белгини халқаро рўйхатдан ўтказишнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилишига қарши берилган апелляциялар;

интеграл микросхемалар топологиясининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш ҳақидаги апелляциялар;

товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси учун гувоҳнома, товар келиб чиққан жой номларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиш ҳақидаги апелляциялар;

товар келиб чиққан жой номлари рўйхатдан ўтказилганлигини бекор қилиш ҳақидаги апелляциялар;

в) келиб тушган санасидан эътиборан олти ой мобайнида:

селекция ютуғига патент берилишига қарши апелляциялар;

селекция ютуғи патентларининг ҳақиқийлигига қарши берилган апелляциялар, агар қўшимча синовлар ўтказиш зарурияти туғилмаса.

Аризалар Апелляция кенгаши томонидан ушбу аризалар келиб тушган санадан эътиборан тўрт ой ичида кўриб чиқилади.

19. Апелляция ёки ариза берган шахс, бошқа манфаатдор шахслар илтимосномасига биноан Апелляция кенгаши мажлиси кенгаш қарорига кўра кечроқ, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга кўчирилиши мумкин. Бунда апелляцияларни ёки аризаларни кўриб чиқишнинг белгиланган муддати ўтиши Апелляция кенгаши мажлисининг янги санасигача тўхтатиб турилади.

20. Муддатлар йиғилиш ўтказишнинг аниқ календарь санаси билан белгиланади.

21. Иш бўйича иш юритиш тўхтатилиши билан барча ўтиб кетмаган муддатларнинг ўтиши ҳам тўхтатилади. Иш бўйича иш юритиш барча зарур маълумотлар ва/ёки материаллар олинмагунга қадар, тўхтатиб турилади. Иш бўйича иш юритиш тикланган кундан бошлаб муддатларнинг ўтиши давом этади.

22. Ишни кўриб чиқишни бошқа кунга кўчириш, тухтатиш, тўлиқ ёки қисмлари бўйича тугатиш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомнинг 18 — 20-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Апелляциялар ва аризаларни кўриб чиқиш

23. Апелляция ёки аризани кўриб чиқиш Апелляция кенгаши раиси, унинг ўринбосари, кенгаш аъзолари ва котиби таркибидаги Апелляция кенгаши мажлисида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Апелляция кенгаши раиси ҳисобланади. Апелляция кенгаши таркибига Вазирлик ва Агентликнинг малакали ва тажрибали ходимлари, шунингдек, мустақил олимлар ва мутахассислар киритилади.

Вазирлик ва Агентликнинг Апелляция кенгаши таркибидаги ходимлари сони Апелляция кенгаши умумий аъзолари сонининг ўттиз фоизидан ошмаслиги лозим.

Апелляция кенгаши таркиби Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланади.

24. Апелляция кенгашида ишни кўриб чиқишда апелляция ёки ариза берган шахс ёки унинг вакили, бошқа манфаатдор юридик ёхуд жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

Ишни кўриб чиқишда қатнашиш ҳуқуқи бўлган ва Апелляция кенгаши мажлиси ўтказиладиган сана ва жойи ҳақида хабардор қилинган исталган шахснинг келмай қолиши ишни кўриб чиқишга тўсиқ бўла олмайди.

Ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган шахслар Апелляция кенгашининг исталган аъзосига ёки бутун таркибига нисбатан асосланган раддия бериши мумкин. Раддия ишнинг моҳиятини кўриб чиқиш бошлангунга қадар берилиши лозим.

Раддия Апелляция кенгаши аъзолари томонидан кўриб чиқилиши керак. Агар раддия қаноатлантирилса, апелляция ёки ариза бошқа таркибда кўриб чиқилади. Ишни кўриб чиқишда қатнашадиган шахслар йиғилишнинг янги санаси ва вақти ҳақида ушбу Қоидаларнинг 16-бандида белгиланган тартибда хабардор этиладилар.

25. Апелляция кенгаши бир шахс ёки бир неча шахснинг битта объектга — муҳофазаланаётган ёки талабнома берилган ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуғи, товар белгиси, товар келиб чиққан жой номлари, интеграл микросхемалар топологиясига оид бир неча апелляциялари кўриб чиқишда эканлигини аниқласа, томонларнинг розилигини олган ҳолда, бу апелляцияларни кўриб чиқишни битта йиғилишда бирлаштириши мумкин. Апелляция кенгашининг қарори ҳар бир иш бўйича алоҳида чиқарилади.

Агар аризалар бир ёки бир неча шахслар томонидан берилган бўлса ҳамда уларда битта товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгисини Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси сифатида эътироф этиш сўралаётган бўлса, Апелляция кенгаши бир неча аризаларнинг кўриб чиқилишини бирлаштириши мумкин.

26. Томонлардан бири мазкур иш юритувдан чиқиб кетганда (апелляция ёки ариза берган шахснинг вафот этиши, юридик шахснинг тугатилиши, қайта ташкил этилиши ва шу кабилар), Апелляция кенгаши асослан-

ган ариза бўйича ушбу томонни меросхўри ёки ҳуқуқий ворислари билан алмаштиради. Ҳуқуқий ворислик апелляция жараёнининг исталган босқичида амалга оширилиши мумкин.

27. Ишнинг моҳиятидан келиб чиқиб, қўшимча материаллар ва маълумотлар тақдим этишнинг зарурати пайдо бўлса, қўшимча материаллар ва маълумотлар Апелляция кенгаши белгиланган муддатларда топширилади.

Қўшимча материаллар ва маълумотлар тақдим этувчи томоннинг расмий илтимосномасига кўра, қўшимча материаллар ва маълумотларни тақдим этиш муддати Апелляция кенгаши томонидан уч ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Расмий илтимоснома билан сўралган маълумотларга жавоб бериш муддатини узайтириш учун узайтиришнинг ҳар бир оғи учун белгиланган патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади. Бу ҳолда, апелляция ёки аризани кўриб чиқиш муддатларининг ўтиши узайтириш муддати давомида тўхтатилади.

Белгиланган патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаса, расмий илтимоснома берилмаган деб ҳисобланади.

28. Апелляция кенгаши аъзолари иш кўриб чиқилишида ва қарор қабул қилишда мустақилдирлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк объектлари муҳофазаси соҳасидаги халқаро шартномаларига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомга амал қиладилар.

29. Апелляция кенгашида ишни кўриб чиқишда тижорат ва хизмат сирлари ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида, кенгаш иштирокчиларидан исталган бирининг расмий илтимосномаси бўйича ишни кўриб чиқиш махфийлиги ҳақида ажрим чиқаради. Бу ҳолда, кенгаш йиғилишига киритилган иштирокчиларнинг ҳаммаси Апелляция кенгашида ишни кўриб чиқиш муносабати билан ўзларига маълум бўладиган тижорат ва хизмат сирларидан иборат бўлган аниқ маълумотларнинг махфийлигини сақлаш ҳақида мажбуриятни оладилар.

30. Апелляция кенгашида ишни юритиш ўзбек ёки рус тилларида олиб борилади. Иш юритиш олиб бориладиган тилни тушунмайдиган шахсларга материаллар билан таржимон орқали танишиш ва Апелляция кенгаши ишида қатнашиш, шунингдек кенгаш йиғилишида ўзбек ёки рус тилларида сўзга чиқиш ҳуқуқи билан таъминланади.

Апелляция кенгаши йиғилишида аудио- ёки видеоёзуви олиб борилиши Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 856-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгаши тўғрисидаги низомнинг 15-бандига кўра амалга оширилади.

31. Апелляция ёки аризани кўриб чиқиш Апелляция кенгаши раисининг ишнинг моҳиятини баён қиладиган маърузаси билан бошланади. Ишни кўришнинг кейинги босқичлари одатда қуйидагилардан иборат бўлади:

апелляция ёки ариза берган шахс ва/ёки унинг вакили, шу жумладан патент вакилининг сўзи;

ишга жалб қилинган экспертнинг сўзи;
кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларнинг Апелляция кенгаши аъзолари ва йиғилиш иштирокчиларининг саволларига жавоблари;
кўриб чиқишда иштирок этувчи шахслар томонидан олдинги сўзланган нутқларнинг тўлдирилиши.

32. Апелляция кенгаши йиғилишининг баённомаси овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган Апелляция кенгаши котиби томонидан олиб борилади.

Апелляция кенгаши йиғилишининг баённомаси Апелляция кенгаши раиси ва Апелляция кенгаши котиби томонидан имзоланади.

33. Ишни кўриб чиқишда ҳар бир томон ўз талабларининг асоси сифатида келтирган далилларни исботлайди.

Апелляцияни кўриб чиқишда исбот ва далиллар томонлар ва бошқа иштирокчилар тарафидан ёзма равишда тақдим қилинади ҳамда нусхаси барча иштирокчиларга тарқатилади.

Агар тақдим қилинган исботлар етарли бўлмаса, Апелляция кенгаши томонлар ва апелляция жараёнининг бошқа иштирокчиларига қўшимча исботлар тақдим этишни таклиф қилади.

34. Томонлардан бири бошқа томоннинг нуқтаи назари асосли ва қонунийлигини ёзма равишда тан олган ҳамда низодан воз кечган ҳолда, Апелляция кенгаши апелляция бўйича иш юритишни тўхтатади. Апелляция кенгашига худди ўша томонлар орасидаги ўша иш ва ўша асослар бўйича такрорий мурожаат этиш ушбу ишни ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янгидан пайдо бўлган ҳолатлар аниқланганда мумкин бўлади.

35. Апелляция кенгаши апелляцияни кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляцияни қаноатлантириш, қисман қаноатлантириш ёки апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Апелляция кенгаши аризани кўриб чиқиш натижаси бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари рўйхатини эътироф этиш тўғрисида ёки эътироф этишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш бекор қилинганлиги тўғрисидаги қарор қабул қилинган ҳолда, Апелляция кенгаши бир вақтнинг ўзида ушбу рўйхатдан ўтказилиш билан боғлиқ товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаларни муддатидан аввал тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

6-боб. Апелляция кенгашининг қарорлари

36. Апелляция кенгашининг қарори апелляция ёки ариза моҳиятини кўриб чиқиш тугагандан сўнг кенгаш аъзоларининг ёпиқ йиғилиши натижаси бўйича кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Апелляция кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Апелляция кенгаши раиси ва аъзолари овоз беришда бетараф қолиш ҳуқуқига эга эмас. Апелляция кенгаши раиси энг охирида овоз беради.

Апелляция кенгашининг қарори Апелляция кенгаши раиси ва ишни

кўриб чиқишда қатнашган Апелляция кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва манфаатдор шахслар қарор ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан эътиборан кучга киради.

Апелляция кенгашининг қарори Вазирлик муҳри билан тасдиқланади.

Апелляция ёки аризани кўриб чиқишда қатнашган шахслар ва Апелляция кенгаши аъзолари кенгаш йиғилишида ёки Апелляция кенгаши йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан уч иш куни мобайнида ёзма равишда ўзларининг алоҳида фикр-мулоҳазаларини билдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи Апелляция кенгаши қарорининг хулоса чиқарилган қисмини апелляция ёки аризани кўриб чиқишда қатнашганларга ўқиб эшиттиради.

37. Апелляция кенгашининг қарори ёзма шаклда баён қилинади ҳамда кириш, тавсифлаш, асослаш ва хулоса қисмларидан иборат бўлиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

а) кириш қисмида:

иш рақами (рўйхатга олиш рақами) ва апелляция ёки ариза топширилган сана;

қарор қабул қилинган сана;

Апелляция кенгашининг таркиби;

апелляция ёки ариза топширилган шахсларнинг ва/ёки унинг вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми;

низони кўриб чиқишда қатнашган бошқа шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

б) тавсифлаш қисмида:

апелляция ёки ариза берган шахс талабларининг қисқача баёни;

апелляция ёки ариза берган шахс мулоҳазасининг қисқача баёни ёки давлат экспертизаси вакилининг тушунтиришлари;

апелляцияда иштирок этаётган томонлар ва/ёки уларнинг вакиллари тушунтиришларининг қисқача баёни;

в) асослаш қисмида:

низонинг Апелляция кенгаши томонидан аниқланган жиҳатлари;

томонларнинг илтимосномалари ва исботларини Апелляция кенгаши қабул қилишига ёки рад этишига сабаб бўлган далиллар ва фактлар;

Апелляция кенгаши қарор қабул қилишда амал қилган қонун ҳужжатлари;

г) хулоса қисмида:

қўйилган талаблар бўйича уларни қаноатлантириш, қисман қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят бериш муддатлари ва тартиби ҳақидаги маълумотлар.

38. Апелляция кенгашининг қарори апелляция ёки ариза бўйича иш жилдига кўшиб қўйилади.

39. Апелляция кенгаши қарорлари қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида апелляция ёки ариза берган шахсларга ва бошқа манфаатдор шахсларга Агентлик томонидан юборилади, шунингдек, унинг расмий нашрида ва веб-сайтида маълумот тариқасида эълон қилинади.

7-боб. Яқуний қоида

40. Мазкур Қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 30 октябрдаги
494-мх-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2008 йил 25 декабрдаги 100-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1889, 2009 йил 24 январь).

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2011 йил 26 августдаги 23-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1889-1, 2011 йил 30 сентябрь).

3. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2013 йил 15 апрелдаги 66-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1889-2, 2013 йил 7 май).

4. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 6 ноябрдаги 22-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1889-3, 2017 йил 16 ноябрь).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

841 Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-17

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 744-сон «Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 сентябрь,
24/6-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
28 сентябрдаги 24/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини
лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирувчи масалалар банк кузатув кенгаши ёки унинг бошқарувига топширилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.».

2. 52-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида мазкур бандда назарда тутилганидан фарқли талаб ўрнатилиши мумкин.».

3. 53-бандда:

«ташқил этилган банкнинг акциялари» деган сўзлар «ташқил этилган банкнинг акциялари умумий миқдорининг беш фоизи ёки ундан ортигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган шахслар Ўзбекистон Республикасида ташқил этилган банкнинг акциялари умумий миқдорининг беш фоизидан кам бўлган миқдорда акцияларини сотиб олиш, уларга эгалик ҳуқуқини бериш ва шу каби бошқа муносабатлар бўйича келишувлар амалга оширилганлиги тўғрисида Марказий банкка Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 56-сон қарори билан тасдиқланган Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ шаклда келишув амалга оширилган кундан кейин бир кун ичида ёзма равишда хабарнома юборади.».

4. Қуйидаги мазмундаги 111¹ ва 111²-бандлар билан тўлдирилсин:

«111¹. Банк мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида банк хизматлари офисларини ташқил қилишга ҳақли.

Банк хизматлари офисларида, қоида тариқасида, депозит ҳисобварақлар очиш, омонатлар қабул қилиш, тўловларни ва халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш, валюта айирбошлаш, истеъмом кредити ва микроқарз бериш каби базавий банк хизматлари кўрсатилади.

Банк хизматлари офисларида улар жойлашган ҳудуддаги талабдан келиб чиқиб юқоридаги хизматларга қўшимча равишда бошқа банк хизматлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Банк хизматлари офислари Марказий банкда ҳисобга қўйилади.

111². Банк хизматлари офисини ҳисобга қўйиш учун уни ташқил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб банк 10 кун ичида Мар-

казий банкка ушбу қарор нусхасини ва банк хизматлари офиси тўғрисидаги низомни илова қилган ҳолда ёзма хабарнома юборади.

Банк томонидан банк хизматлари офисини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, банк ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш кун ичида Марказий банкка тугатиш сабаблари ва муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юборади. Хабарномага банк хизматлари офисини тугатиш тўғрисидаги тегишли қарордан кўчирма илова қилинади.

Банк хизматлари офисини тугатиш тўғрисидаги ахборот унинг тугатилишидан камида ўн беш кун олдин банкнинг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

842 Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 2.1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 860-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги ПҚ–4381-сон «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 1999 йил 21 декабрда тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 860, 1999 йил 28 декабрь) 2.1-банди «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 31 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 октябрь,
2019-59-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 26 октябрдан 1 ноябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 14-мх, 95-сон «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда яқка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»-ги қарори.

2019 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2691-2.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 28 октябрдаги 489-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1534-2.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 28 октябрдаги 490-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2907-1.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 28 октябрдаги 491-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 28 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2571-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги 106, 2019-59-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3188.

6. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг 2019 йил 26 сентябрдаги 591-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори

билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3189.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 октябрдаги 494-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Апелляция кенгашига апелляциялар ва Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгилари деб эътироф этиш тўғрисидаги аризаларни бериш ва уларни кўриб чиқиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 30 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3190.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 28 сентябрдаги 24/6-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-17.

9. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 14 октябрдаги 2019-59-сон «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 2.1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 860-5.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг «Умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1534, 2006 йил 3 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1534-1, 2006 йил 3 октябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 28 октябрдаги 489-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари томонидан алкоголли маҳсулотларнинг реализация қилиниши ҳуқуқи учун йиғимни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2907, 2017 йил 28 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 28 октябрдаги 490-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг «Спорт иншоотлари (сув ҳавзаси, спорт зал) ичида шуғулланувчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2571, 2014 йил 4 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 28 октябрдаги 491-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3107, 2018 йил 28 декабрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 29 октябрдаги 492-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг «Текширувдан (қиёслашдан) ўтказилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2782, 2016 йил 4 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2782-1, 2017 йил 22 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 30 июлдаги 306-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг апелляция кенгашига апелляциялар ва аризаларни топшириш ҳамда кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1889, 2009 йил 24 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1889-1, 2011 йил 30 сентябрь), (рўйхат рақами 1889-2, 2013 йил 7 май), (рўйхат рақами 1889-3, 2017 йил 16 ноябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 30 октябрдаги 494-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

